Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси ♦ TOŞKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган • 1995 йил 24 май, чоршанба • № 41 (10.717) • Эркин нархда сотилади

ЎЗБЕКИСТОН — ПОКИСТОН:

ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ



Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ва Покистон Ислом Республикаси Бош вазири Беназир Бхутто.

Ф. ҚУРБОНБОЕВ ва Р. ШАГАЕВ (ЎзА) олган сурат.

Ўзбекистон ва Покистон халқлари ўртасидаги алоқалар ўзининг узоқ тарихига эга. Мамлакатимиз мустақилликни қўлга киритганидан сўнг ана шу дўстона муносабатлар янги босқичга кўтарилди. Жумладан, 1992 йилнинг августида мамлакатимиз Президенти Ислом Каримовнинг Покистонга расмий сафари бу муносабатларнинг янги ҳуқуқий асослари яратилишига имкон берди. Мазкур сафар чоғида имзоланган муҳим ҳужжатлар халқларимизнинг ўзаро алоқалари янада мустаҳкамланишига, мамлакатларимиз ўртасидаги савдо-сотиқнинг ривожланишига, қатор соҳаларда тенг манфаатли ҳамкорлик ўрнатилишига хизмат қилмоқда. Лекин ҳали фойдаланилмаган имкониятларни ишга солиш, халқларимизнинг азалий дўстлиги ва ҳамкорлигини янада мустаҳкамлаш давр талабидир.

22 май куни Покистон Бош вазири Беназир Бхуттонинг мамлакатимизга ташриф буюриши шу жиҳатдан ғоят аҳамиятлидир.

Тошкент аэропорти юксак мартабали меҳмон шарафига байрамона безатилган, тайёрагоҳда Покистон ва Ўзбекистон давлат байроқлари ҳилпирайди.

Аэропортда Покистон Ислом Республикаси Бош вазири Беназир Бхутто ва унинг турмуш ўртоғига Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов рафиқаси билан пешвоз чиқди. Миллий либосдаги қизлар юксак мартабали меҳмонга анвойи гуллар тақдим этдилар.

Президент Ислом Каримов ва Бош вазир Беназир Бхутто махсус шоҳсупага кўтарилди. Покистон ва Ўзбекистон давлат мадҳиялари янгради. Ислом Каримов ва Беназир Бхутто миллий гвардиячиларнинг фахрий қоровули сафи олдидан ўтдилар.

Аэропортнинг кўркам биносида меҳмонлар хорижий давлатларнинг Ўзбекистондаги ваколатхоналари раҳбарлари билан саломлашдилар.

Сўнгра Ислом Каримов ва Беназир Бхутто расмий делегация аъзолари билан танишдилар. Сўнг икки мамлакат раҳбарларининг қисқача мулоқоти бўлиб ўтди.

Шундан кейин Покистон ва Ўзбекистон давлат байроқлари рамзи ўрнатилган автомашиналар карвони Покистон ҳукумат раҳбари учун ажратилган қароргоҳга йўл олди.

Ўзбек ва урду тилларида икки халқ дўстлигини улуғловчи шиорлар битилган пойтахт кўчаларида минглаб шаҳарликлар меҳмонларни олқишладилар.

* * *

Машиналар карвони байрамона безатилган Тошкент кўчалари бўйлаб Покистон ҳукумати раҳбари учун ажратилган қароргоҳга етиб келди. Шундан сўнг Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Покистон Бош вазири Беназир Бхуттонинг қароргоҳига ташриф буюрди. Бу ерда Ўзбекистон раҳбари билан Покистон ҳукумати бошлиғи ўртасида яккама-якка суҳбат бошланди.

Мамлакатимиз раҳбари икки мамлакат ўртасидаги иқтисодий ва маданий соҳалардаги ҳамкорликни ривожлантириш учун катта имкониятлар борлигини таъкидлади. Беназир Бхутто Ўзбекистоннинг улкан табиий бойликлардан ташқари, иқтисодий жиҳатдан ҳам муҳим жўғрофий ўринни эгаллаши алоқаларимиз ривожи учун яхши омил бўлишини эътироф этди.

Самимий мулоқот мобайнида Ислом Каримов ва Беназир Бхутто Ўзбекистон билан Покистон ўртасидаги ҳамкорлик истиқболлари хусусида фикр алмашдилар.

* * *

Шу куни Покистон Бош вазири Беназир Бхутто Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ҳамроҳлигида пойтахтдаги Алишер Навоий боғига ташриф буюрди. Беназир Бхутто Ўзбекистонга расмий сафарининг дастлабки куни буюк шоир номидаги боғни зиёрат қилиши бежиз эмас. Зеро, Ўзбекистон ва Покистон тарихи доимо муштарак бўлиб келган. Бу муштараклик Шарқнинг машҳур аллома ва мутафаккирлари Имом ат-Термизий, Имом ал-Бухорий, Баҳовуддин Нақшбандий, Аҳмад Яссавий, Беруний, Ибн Сино, Форобий, Алишер Навоий яратган тафаккур дунёсидан баҳра олади.

Бу улуғ алломаларнинг жаҳон маънавияти хазинасини бойитган асарлари неча асрлардан буён Покистон Олий мактабларида ҳам ўрганилмоқда, китобхонлар бу бебаҳо асарларни доимий мутолаа қилмоқдалар.

Шу боис, покистонлик олий мартабали меҳмон буюк шоир Алишер Навоийга эҳтиром билдириб, унинг ҳайкали пойига гуллар қўйди.

Хайрли маросимдан сўнг Покистон Бош вазири Беназир Бхутто Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов ҳамроҳлигида пойтахтдаги муҳташам «Халқлар дўстлиги» саройига келди.

Бу ерда Ўзбекистон ва Покистон расмий делегацияларининг кенгайтирилган таркибдаги музокаралари бошланди. Музокаралар чоғида икки мамлакат ўртасидаги ўзаро манфаатдорликка асосланган ҳамкорлик алоқаларини янада мустаҳкамлаш, Марказий Осиё минтақасида тинчлик ва барқарорликни таъминлаш масалалари муҳокама қилинди.

Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов айни пайтгача икки мамлакат ўртасида 15 дан зиёд ҳужжатлар имзоланганига эътибор қаратар экан, улар халқларимизнинг азалий қардошлиги, ҳамкорлигини мустаҳкамлашга хизмат қилаётганини таъкидлади. Икки мамлакат ишбилармонлари бу алоқаларнинг мустаҳкамланишига муҳим ҳисса қўшмоқдалар. Бу билан улар қадимий буюк ипак йўли орқали шакланган алоқаларни ривожлантирмоқдалар. Мамлакатларимиз ўртасида ҳаво йўли очилгани бу борада ғоят қўл келмоқда. Марказий Осиёда, хусусан, Афғонистонда тинчлик ўрнатилиши Термиз-Карочи автомобил йўлини қуриш имконини беради. Кейинчалик эса икки мамлакат ўртасида темир йўл қурилиши алоқа тармоқларини кенгайтириш, охир оқибатда фойдали ҳамкорликни мустаҳкамлашга хизмат қилади. Шу боис музокараларда минтақада тинчлик ва осойишталикка эришиш масаласига алоҳида эътибор қаратилди.

Покистон Бош вазири Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг Тошкентда Марказий Осиёда тинчлик ва ҳамкорликка бағишланган БМТ доимий семинарини ташкил этиш тўғрисидаги таклифини қўллаб-қувватлашини яна бир карра таъкидлади. Томонлар Афғонистонда тинчлик қарор топишини тезлатиш, биродарқушлик уришини тугатиш мақсадида БМТ Хавфсизлик Кенгаши ушбу мамлакатга қуроллароғ олиб киришни таъқиқлаши зарурлиги хусусида ҳамфикр эканликларини изҳор этдилар.

Музокаралар ниҳоясида икки томонлама солиқ олмаслик тўғрисидаги, фан ва техника соҳаларида ҳамкорлик қилиш ҳақидаги, сайёҳликни ривожлантириш соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги битимлар имзоланди. Бу ҳужжатларга Ўзбекистон ташқи ишлар вазири Абдулазиз Комилов ва Покистон Ислом Республикаси ташқи ишлар вазири Асиф Аҳмад Али имзо чекдилар.

Сўнгра Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов ва Покистон Бош вазири Беназир Бхутто маҳаллий ва хорижлик журналистлар билан учрашди. Учрашув чоғида Президент Ислом Каримов ва Бош вазир Беназир Бхутто олий даражадаги учрашув ва музокаралар якунлари хусусида баёнот бердилар.

Покистон Бош вазири Ўзбекистон буюк ўтмишга эга эканини қайд этар экан, Президент Ислом Каримов раҳбарлигида олиб борилаётган оқилона сиёсат туфайли уни порлоқ келажак кутаётганига ишончи комил эканини таъкидлади.

Покистонлик журналистлар Президент Ислом Каримовнинг Кашмир муаммосига муносабати билан қизиқдилар.

— Ўзбекистон минтақада тинчлик ва барқарорлик қарор топиши тарафдоридир, — деди Ислом Каримов бу саволга жавобан. — Шу боис биз бу муаммо тинч музокаралар йўли билан ҳал этилишини ёқлаймиз. Бу масала Бирлашган Миллатлар Ташкилоти иштирокида ўтадиган Покистон ва Ҳиндистон ўртасидаги музокаралар орқали, БМТнинг шу масала хусусидаги резолюцияларига асосан ҳал этилиши керак.

Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов ва Покистон Бош вазири Беназир Бхутто журналистларнинг бошқа саволларига ҳам жавоб қайтардилар.

Шу куни Ислом Каримов Тошкентдаги «Наврўз» тантаналар уйида Покистон Бош вазири Беназир Бхутто шарафига қабул маросими уюштирди.

Покистон Бош вазирининг мамлакатимизга расмий ташрифи давом этмоқда.

(ЎзА).

ҚОЗОҒИСТОНДА ЎЗБЕКИСТОН КУНЛАРИ ДАВОМ ЭТМОҚДА

Ҳар қандай эгаменли мамлакат тезроқ тараққиётга эришиши, унинг халқи эса обод ва фаровон турмуш кечириши учун аввало ён-атрофидаги мамлакатлар билан дўстона борди-келдиларни яхши йўлга қўйиши ҳаётий заруратдир. Модомики, ўзаро қўшни мамлакатлар халқларининг тарихи, маданияти, тили, дини, қадриятларию урф-одатларигача уйқаш экан, улар ўртасидаги интеграция, турли соҳаларда янада яқинлашув жараёни мазкур мамлакатларнинг жаҳон ҳамжамиятининг илғор ва мутараққий давлатлари сафидан муқим ўрин олиши, бу йўлда учрайдиган муаммоларни эса нисбатан осон ҳал этиши учун кенг ва қулай имкониятлар яратиши шубҳасиз. Шу маънода Марказий Осиё давлатларининг, айниқса, Ўзбекистон билан Қозоғистоннинг сўнгги йиллар ичида ўзаро ҳамкорлик ва ҳамжиҳатлик йўлидаги саъй-ҳаракатлари эътиборга моликдир. Ушбу республикаларнинг Ўзбекистонда Қозоғистон кунларини ва Қозоғистонда Ўзбекистон кунларини ўтказиш ҳақидаги ғояси бугун Туронзаминда ўз мустақиллиги йўлидан дадил одимлаётган икки мамлакат ўзаро ҳамкорлигини янада ривожлантиришга, интеграцион жараёнларни жадаллаштиришга, қардош ўзбек ва қозоқ халқларининг дўстлик ришталарини мустаҳкамлашга яқиндан хизмат қиляпти. Хусусан, 1994 йилнинг май ойида Ўзбекистонда Қозоғистон республикаси кунлари кенг миқёсда нишонланди.

Ўз навбатида шу кунларда Қозоғистон бўйлаб кўтаринки руҳда дўстона кайфиятда ўтаётган Ўзбекистон Республикаси кунларида иштирок этиш учун 20 май куни мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов раҳбарлигидаги расмий делегация Алматига ташриф буюрди.

Расмий делегация сафида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси раиси Э. Ҳалилов, республика Бош вазири А. Муталов, Бош вазирнинг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Раисининг ўринбосари, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раиси У. Аширбеков, республика Олий Мажлиси раисининг ўринбосари Б. Шодиева, Президентнинг давлат маслаҳатчиси Х. Жўраев, Бош вазир ўринбосарлари Д. Ғуломова ҳамда Ю. Пайгин, айрим вазирлар, пойтахт ва вилоятлар ҳокимлари, таниқли олимлар, шоир-ёзувчилар, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг Қозоғистон Республикасидаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Н. Ёқубов бор эди.

Ўзбекистон ва Қозоғистон давлатлари байроқлари билан безатилган қардош мамлакат пойтахти аэропортида республикамиз Президенти ҳамда делегация аъзоларини Президент Нурсултон Назарбоев бошчилигидаги Қозоғистон Республикаси ҳукумат аъзолари кутиб олди.

Ф. КУРБОНБОЕВ олган сурат.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ташрифи шарафига фахрий қоровул саф тортди.

Самолёт пиллапояси ёнида қозоқ халқи миллий либосидаги қизлар юксак мартабали меҳмонларга анвойи гуллар тақдим этишди.

Аэропортда Президентлар Ислом Каримов ва Нурсултон Назарбоев журналистларнинг саволларига жавоб қайтардилар. Икки мамлакат раҳбарлари ўтган йили Ўзбекистонда бўлган Қозоғистон Республикаси кунлари ҳамда шу кеча-кундузда Қозоғистоннинг пойтахти ва кўпгина вилоятларида бошланаётган Ўзбекистон Республикаси кунлари икки дўст ва қардош мамлакат халқлари бирбирининг бугунги ҳаёти, иқтисодий, маданий-маърифий ва бошқа соҳалардаги ютуқлари билан яқиндан танишиш имконини беражагини қайд этдилар. Ўзбекистон ва Қозоғистон давлатлари ташаббуси билан бошланган бундай кенг қамровли тадбирлар келгусида Марказий Осиё минтақасидаги бошқа республикалар ўртасида ҳам ёйилишига ҳамда бу ҳол қадим Туркистон ҳудудида истиқомат қилаётган тарихи, ери, суви, офтоби ягона жами халқларнинг тараққиёт томон, фаровон турмуш ва порлоқ келажак сари ҳамкору ҳамжиҳатликда дадил одимлашлари учун муҳим омил бўлишига умид билдирдилар.

Президентлар Ислом Каримов ва Нурсултон Назарбоев тушган машиналар Қозоғистон Прези-

(Давоми 2-бетда).

ДЎСТЛИГИМИЗ ҚУЁШИ МИНГ ЙИЛЛИКЛАР ҚАЪРИДАН НУР СОЧАДИ

ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ҚОЗОҒИСТОНДА ЎЗБЕКИСТОН КУНЛАРИНИНГ ТАНТАНАЛИ ОЧИЛИШИ МАРОСИМИДА СЎЗЛАГАН НУТҚИ

Ассалому алайкум, қадрли қозоқ туғишганлар!

Азиз дўстлар!

Муҳтарам дўстим Нурсултон Абишевич!

Бугун биз, Ўзбекистон вакиллари, Сиз қозоқ биродарларимизнинг очиқ чеҳраларингизни кўришдан, Сизларга ўзбек халқининг самимий саломларини етказишдан ғоят мамнун эканимизни изҳор этишга ижозат бергайсизлар.

Биз, Ўзбекистондан келган дўстларингиз ўзимизни қўноқ сифатида эмас, балки ўзимизга энг яқин ва энг қадрдон, кўнглимиз ҳам, ўйимиз ҳам, ниятимиз ҳам бир оилада ҳис этмоқдамиз.

Азиз қозоқ қардошлар!

Азиз Нурсултон Абишевич!

Энг аввало бу ажойиб ва ўхшаши йўқ диёр — биз, барча ўзбеклар учун яқин бўлган Қозоғистонга ташриф буюриш имконини яратганингиз, Сизнинг Ўзбекистон шаънига, унинг халқи шаънига айтган самимий дил сўзларингиз учун миннатдорчилик билдиришни истар эдим.

Дўстим Нурсултон Абишевич ва бутун қозоқ халқини яқинда ўтказилган умумхалқ Референдуми натижалари билан, халқнинг юксак ишончи, Президент ваколатлари муддатининг 2000 йилга қадар узайтирилгани билан муборакбод қилиш менга улкан мамнуният бахш этади.

Биз Референдум натижаларини кўп миллионли халқингизнинг Қозоғистоннинг ички ва ташқи сиёсати, изчиллик билан ўтказилаётган янгиланишлар ва ислоҳотлар сиёсати, кўп миллатли халқ ва унинг келажаги манфаати йўлида ўтказилаётган сиёсатга юксак ишончининг намоён бўлиши, деб биламиз.

Ҳурматли дўстлар!

Бизга оллоҳнинг ўзи қўшни бўлиб яшашдек улкан неъматни ҳадя этган. Бизнинг халқимизда **«ҳовли олма, қўшни ол»** деган мақол бор.

Биз азалдан буюк Турон-Туркистон деган ерда яшаймиз, бизга битта Қуёш нур сочади, бир булоқ ва бир дарёдан сув ичамиз. Оғир пайтда қўшни қўшнига ёрдам берган, ундан ҳол сўраган, бир-биридан нонини, ширин сўзини аямаган.

Бизнинг илдизларимиз муштаракдир. Буюк боболаримиз **Ал Беруний ва Ал Форобий, Ибн Сино ва Улуғбек, Баҳовуддин Нақшбанд ва Навоий, Бобур ва Абай, Абдулла Қодирий ва Мухтор Авезовнинг,** бутун инсоният фахрланиб тилга оладиган қўплаб бошқа аждодларимизнинг юлдузлари асрлар оша бизга нур сочиб келди ва ҳозир ҳам нур сочмоқда.

Ҳар биримиз Хўжа Аҳмад Яссавий номини тилга олар эканмиз, алоҳида гурурни ҳис этамиз. Унинг фаолияти доҳолик ва адолат мезони бўлиб, Туркистондаги барча халқларни бирлаштириб, жипслаштириб турибди.

Дастлабки учрашувлардан бирини ана шу муқаддас жой — Хўжа Аҳмад Яссавий мақбараси ёнида ўтказишга қарор қилганимиз ва шу ерда дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартномани ўз имзоимиз билан тасдиқлаганимиз тасодиф эмас. Буни Сиз ҳам, Нурсултон Абишевич, ҳақли равишда таъкидлаб ўтдингиз.

Ҳанузгача ёдимда: қадимги Ясса, ҳозирги Туркистон шаҳри ҳамда унинг яқин атрофидаги овуллар ва қишлоқлар аҳолиси, қозоқлар ва ўзбеклар мақбара олдидаги майдонга тўпланишди.

Халқнинг ўзи бизнинг шартномамизни, халқларимизнинг қардошлик алоқаларини мустаҳкамлаш тўғрисида Нурсултон Назарбоев билан қабул қилган қасамёдимизни маъқуллади. Ушанда менинг назаримда биз имзо-

(Давоми 2-бетда).

БИРЛИГИМИЗ, ҚЎШНИЛИГИМИЗ ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАНАДИ

ПРЕЗИДЕНТ НУРСУЛТОН НАЗАРБОЕВНИНГ ҚОЗОҒИСТОНДА ЎЗБЕКИСТОН КУНЛАРИНИНГ ТАНТАНАЛИ ОЧИЛИШИ МАРОСИМИДА СЎЗЛАГАН НУТҚИ

Ҳурматли Президент!

Ҳурматли Олий Мажлис Раиси!

Ҳурматли Бош вазир!

Ҳурматли ўзбек қардошлар!

Авваламбор барчангизни икки қардош халқ ўртасидаги дўстлик ва қардошликнинг ёрқин намойишига айланган улкан воқеа — Қозоғистон Республикасида Ўзбекистон Республикаси кунларининг очилиши муносабати билан чин қалбдан табриклайман!

Қозоқ жигарларингиз, барча қозоғистонликларнинг сизларга бўлган қайноқ ихлосга тўла саломи ҳамда қардошлик тилакларини қабул қилгайсизлар!

Ўтган йилнинг мана шундай баҳор кунларида Ўзбекистон Республикасида Қозоғистон Республикаси кунлари бўлиб ўтгани эсимизда. Ушанда, «Туркистон» саройида сўзлаган нутқимда чорак аср мобайнида икки қўшни қардош халқ ўртасида маданий алоқалар узилиб қолганини эслатган эдим. Барча масалаларни биз учун бошқалар ҳал қиладиган тоталитар тузум пайтида қардош халқлар ўртасидаги муносабатлар шу тариқа атайлабдан узоқлаштирилган эди. Энди бундай адолатсизликларга ҳеч қачон йўл берилмайди. Икки қардош халқ ўртасидаги чинакам дўстлик ва аҳиллликни мустаҳкамлаш, мустақиллигимиз ва эгаменлигимизни биргаликда ҳимоя қилиш — асосий вазифамиздир.

Биз азалдан ризқи-рузимиз бир халқмиз. Тарихимиз бир, тилимиз бир, динимиз бир. Ўзбек ҳам, қозоқ ҳам болалигидан бошлаб «Алпомиш» достони билан танишади, икки халқ уни ўзининг руҳий мероси ҳисоблайди. Ўша Алпомиш Бойчибарининг туғёни теккан қутлуғ макон — Жийдали Бойсунининг ўзбек диёрида эканини яхши биласизлар. Биз қадимий Турон ўлкасида асрлар давомида аралаш-қуралаш яшаб келган қўплаб уруғларнинг давоми, бир пайтлар ягона оиладай яшаган ота-боболаримизнинг бугунги авлодларимиз. Ўз тарихимизни ўзимизга хира кўрсатиб келингани натижасида бугунги ёш авлод ўтган ота-боболаримизнинг бир халқ, бир хонлик таркибида бўлиб келганини унчалик билавермайди.

Биз буларнинг барчасини кейинги авлодга чуқур тушунтириб, ота-боболаримизнинг бирга яшаганини, бизлар ҳам бирга бўлишимиз кераклигини яхшилаб уқтиришимиз керак.

Бизларнинг тарихимиз — бизларнинг ягона меросимиздир. Тарихимизда фахрланишга арзийдиган воқеалар ҳамда шахслар оз эмас. Ҳар бир қозоқ ўзбек тупроғида яшаб ўтган уламолар — Муҳаммад Ибн Муса Ал Хоразмийни, Абу Райҳон Берунийни, Абу Али Ибн Синони, Муҳаммад Тарағай Улуғбекни, буюк шоир Алишер Навоийни суйиб, ардоқлайди. Ҳар бир ўзбек қозоқ тупроғида дунёга келган Абу Наср Ал Форобийни, Қўрқит Отани, Хўжа Аҳмад Яссавийни яхши билади, эъзозлайди. Ўзбекистонда Абайнинг 150 йиллик тўйига тайёргарлик бораётгани кўнглимизда қувонч ва мамнуният туйғуларини уйғотади. Ҳозир Абайни ўзбеклар ўзбек тилида, Алишер Навоийни қозоқлар қозоқ тилида ўқийди. Биз шу тариқа бир-биримизни руҳий бойитамиз. Ўтган йили кузда таниқли ёзувчи, таржимон, адабиёт тадқиқотчиси Носир Фозиловнинг халқлар ўртасида маданий алоқаларни ривожлантиришга қўшган улкан ҳиссаси, қозоқ адабиётининг энг яхши намуналарини таржима қилишдаги

(Давоми 2-бетда).

ПОКИСТОН САНОАТ МОЛЛАРИ КЎРГАЗМАСИ

22 май куни Тошкентдаги «Туркистон» саройида Покистон Ислом Республикаси Бош вазири Беназир Бхуттонинг Ўзбекистонга расмий ташрифи муносабати билан Покистон саноати моллари кўргазмаси очилди. Кўргазмани Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари М. Усмонов тантанали равишда очди.

Кўргазманинг очилиш маросимида Покистон Республикаси Бош вазири Б. Бхуттонинг турмуш ўртоғи, Покистон Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг раиси жаноб Асиф Али Зардорий сўзга чиқиб, мазкур тадбир мамлакатларимиз ўртасидаги иқтисодий ҳамкорлик ва савдо-сотиқ алоқаларининг янада мустаҳкамланишига катта ҳисса қўшишини таъкидлади.

Тошкентда иккинчи маротаба ўтказилаётган ушбу кўргазмада Покистоннинг 50 дан зиёд йирик фирма ва компаниялари томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар намойиш этилмоқда.

Кўргазманинг очилиш маросимида хорижий давлатларнинг Ўзбекистондаги элчихоналари ҳамда халқаро ташкилотлар ваколатхоналарининг вакиллари иштирок этди.

* * *

Шу куни Покистон Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг раиси жаноб Асиф Али Зардорий Ўзбекистон Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси раиси А. Ҳабибуллаев билан учрашди.

Учрашув чоғида у Ўзбекистонда табиатни муҳофаза қилиш бўйича амалга оширилаётган ишлар билан танишди. Унда сув ҳамда ер ресурсларидан оқилона фойдаланиш, ҳар икки мамлакат табиатни муҳофаза қилиш қўмиталари ўртасида ўзаро ҳамкорликни йўлга қўйиш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

Жаноб Асиф Али Зардорий Ўзбекистон Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасига инсонпарварлик ёрдами тариқасида дори-дармонлар ҳадя этди.

ДЎСТЛИГИМИЗ ҚУЁШИ МИНГ ЙИЛЛИКЛАР ҚАЪРИДАН НУР СОЧАДИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

лаган шартномани фақат халқ эмас, буюк аждодимиз Хўжа Аҳмад Яссавий ҳам маъқуллагандек эди.

Азиз дўстлар!

Биз, қозоқлар, қирғизлар, туркманлар, тожиклар ва ўзбеклар, шу гўзал диёримизда яшаётган барча кўп сонли миллатлар ва элатлар, тақдир тақозоси билан аҳил бўлиб яшашга, дўст бўлиб яшашга, хонадонимизни, фарзандларимизни урушлардан, келишмовчиликлар ва бир-бирига қарама-қарши туришдан асраш учун, миннатдор авлодлар бизнинг шаънимизга, ҳозирги қийин шарситда муштарак истиқболимиз биносининг пойдеворини барпо этаётган кишилар шаънига яхши сўзлар айтиши учун ўзимизга боғлиқ ҳамма ишни қилишга маҳкум этилганмиз.

Марказий Осиё халқларини буюк мақсадлар йўлида, келажак йўлида бирлаштиришни бошлаб беришда дўстим Нурсултон Назарбоев билан муносабатларимиз яхши пойдевор, метиндек мустаҳкамлайдиган бўғин эканини чин дилдан эътироф этаман. Чунки, шу минтақадаги давлатлар ва халқларни бирлаштириш тўғрисидаги кўп ғоялар Нурсултон Назарбоевдан чиққан.

Азиз қозоқ дўстлар!

Ўзбекистонда шу кунларда Абай Қунанбоевнинг 150 йиллик юбилейига катта тайёргарлик кетмоқда.

Буюк Абай ўзбек биродарлари тўғрисида бундай деган эди: **«Ўзбеклар етиштирмайдиган ва мўл ҳосил олмайдиган экиннинг ўзи йўқ, ер юзида ўзбек савдогарларининг оёғи етмаган жой йўқ, ўзбеклар уддалай олмайдиган ишнинг ўзи йўқ... Ўткир зеҳн, маҳорат, абжирлик ва тадбиркорлик — буларнинг ҳаммаси ўзбекларга хос хусусиятдир. Вазминлик ва хушмуомалалик ҳам шуларда...»**

Айтингчи, азиз дўстлар, биз ўзбеклар шундай сўзларни айтган буюк Абайни севмаслигимиз мумкинми, ахир!

Ўзбек халқи орасида Абайнинг катта шухрат қозонгани ҳам шундан. Бу шухратнинг яна бир сабаби — қозоқ халқининг бошқа бир фарзанди **Мухтор Авезовнинг асари, унинг «Абай» романидир.** Бу асарни ҳар қандай маърифатли кишининг уйидан топиш мумкин.

Мухтор Авезовнинг ўзи далолат беришича, у буюк **Абдулла Қодирийни** устоз деб билган. Бу эса, кўп нарсанинг, аввало халқларимиз маънавий мероси узвий ва муштарак эканининг далилидир.

Бу — ажойиб ўзбек шоири **Ғафур Ғулом, дўстлигимиз қуёши минг йиллар оша нур сочмоқда,** деганида нақадар ҳақ бўлганини кўрсатади.

Бизнинг биродарлигимиз тарих синовидан ўтган, аждодларимиз умумий душман ҳужумини биргаликда даф этишганида, уларнинг қони билан йўғрилган.

Ўзбекларнинг ўғлонлари ҳам ҳозирги Қозоғистон диёрини босқинчилардан ҳимоя қилиб, қозоқлар билан ёнма-ён туриб уришганини биламиз.

Мана шу имкониятдан фойдаланиб, фақат ўзимнинг эмас, бутун халқимизнинг фикрини айтмоқчиман: «Ҳозирги кунда Қозоғистоннинг мустақиллиги ва барқарорлиги — Ўзбекистоннинг ҳам мустақиллиги ва барқарорлигидир». Ўзбекистон мустақиллиги ва барқарорлиги Қозоғистон учун ҳам шундай эканига ишонаман.

Қозоқ халқининг ўша йиллардаги тарихи саҳифалари жуда ғамгин саҳифалардир. Бутун-бутун қабилалар ўз жойини ташлаб кетган. Уларнинг кўплари биродарлари — ўзбеклар юртидан бошпана топган. Уларнинг авлодлари — бир миллиондан ортиқ киши ҳозир ҳам биз билан яшамоқда ва меҳнат қилмоқда.

Қозоқ уруғлари ўша оғир йиллардан ўзлари учун **тарқалиб кетмаслик, бирлашиш, бир бутун халқ бўлиш керак,** деган буюк сабоқ чиқарганлар, бу сабоқни биз ўзбеклар ҳам бутун узоқ ва қийин тарихимизда бошдан кечирганмиз.

Хорижий босқинчиларга қарши курашда қозоқ халқини бирлаштиришга муваффақ бўлган уч буюк бий — **Тўлабий, Қозоқбекбий, Ойтекебийнинг** номлари чиндан ҳам мардлик ва жасорат, ўз халқига, ўз диёрига чексиз садоқат рамзи бўлиб қолган.

Сиз, қозоқ биродарлар **Қарлиғашбий** ҳам деб атайдиган Тўлабий, чиндан ҳам узоқни кўра била оладиган инсон, ўзбек диёрига кўчиб ўтган қозоқларни ўзбеклар билан тинчлик ва дўстликда яшашга, ўзбекларнинг қонунларига риоя қилишга даъват этган эди.

Тўлабийнинг сўнгги хоҳишига қаранг: у ўзини Тошкентдаги муқаддас Шайхонтохур мозорига дафн этишни васият қилган, шу тариқа бизнинг пойтахтимизни ўзбеклар учун ҳам, қозоқ биродарларимиз учун ҳам зиёратгоҳга айлантирган.

Ҳурматли дўстлар!

Азиз Нурсултон Абишевич!

Халқларимиз мустақилликка эришиб, демократик жамият қуриш йўлидан дадил қадам ташлаётган ҳозирги пайтда қозоқ халқининг яна бир ажойиб фарзандининг номини эслаш бизнинг муқаддас бурчимиздир. Мен **Турар Рисқулов ва унинг сафдошлари** тўғрисида гапиряпман.

У Туркистон ўлкасидаги барча республикаларнинг халқлари бирлашиши ва биродарлигининг қизғин тарафдори ва жарчиси эди. Турар Рисқулов ўша даврдаги ҳукмрон мафкурага қарамай, ҳозир биз ёқлаётган ғоя учун мардона курашди, бутун вужуди билан курашди. Ўз ҳаётини шу ғоя учун қурбон қилди.

Ажойиб аждодларимизнинг барча халқларнинг бирлик ва биродарлиги учун зўр бериб курашгани, фидокорлиги ва қадимги ўлкадаги бутун халқ қўллаб-қувватлашига интилиши ҳозирги кунда муштарак мулкимизга айланди ва аниқ ишларимизда рўёбга чиқмоқда.

Олис ва яқин тарихимизда эслашга арзийдиган воқеалар жуда кўп. Бу тарихда фақат бир нарса — душманлик йўқ, чунки, биз икки абадий тушунча, қозоқлар айтганидек, **«ўзбек — ўз оғам»** бўлса, ўзбеклар айтганидек, **«қозоқ йўлдошинг бўлса, йўлдан адашмайсан»** деган тушунчага муқаддас қонун каби амал қилиб келганмиз.

Тошкент кўчаларида даҳшатли зилзила пайтида ёрдамга келган қозоқ бинокорлари курган уйлар қад кўтариб турибди.

Ҳозирги кунда мамлакатларимиз, халқларимиз ўртасидаги ўзаро муносабатлар сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарилмоқда. Улкан бойликларга эга бўлган икки мустақил давлат **сиёсий, иқтисодий, маънавий ва инсоний салоҳиятларини тағин ҳам жипсроқ бирлаштириш** йўлидан бормоқда.

Бунга бизни фақат жўғрофий яқинликкина эмас, тарихий, этник, тил, маданият, диний муштаракликкина эмас, шу билан бирга фақат биргалашиб, мустаҳкам ҳамкорликда ҳал қилиш мумкин бўлган умумий иқтисодий, ижтимоий-экологик муаммоларнинг кўплиги ҳам ундамоқда.

1993 йилнинг июль ойида Қозоғистон билан Ўзбекистон ўртасида 1994-2000 йилларда иқтисодий интеграцияни чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги битим имзоланди. 1994 йилнинг январида ягона иқтисодий ҳудудни барпо этиш тўғрисидаги шартнома имзоланди (апрель ойида мазкур шартномага Қирғизистон Республикаси қўшилди).

Ижроия қўмита тузилди, Марказий Осиё Ҳамкорлик ва тараққиёт банки таъсис этилди. Ана шу органларнинг иши натижасида Бишкекда Республикалар Бош вазирлари кенгаши қарори имзоланди. Унда томонлар 2000 йилга қадар республикаларни иқтисодий жиҳатдан бир-бирига яқинлаштиришнинг йўналишларини, шартномада иштирок этувчи давлатлар халқ хўжалиги мажмуаларини ривожлантиришнинг устиворлигини ҳисобга олиб, биринчи навбатда амалга ошириладиган сармоя сарфлаш ва объектларни барпо этиш лойиҳаларини аниқладилар.

Илм-фан соҳасидаги ҳамкорлик ҳам кенгайиб бормоқда. Хусусан, ҳозирги пайтда **илм-фан ва технологияларнинг 16 та устивор йўналиши бўйича 107 лойиҳадан иборат қўшма илмий-техника дастури** тайёрланган ва кўриб чиқилмоқда. Бу лойиҳаларнинг айримлари бўйича биргаликда иш бошлаб юборилди.

Ўтган йили Ўзбекистон Республикасида Қозоғистон Республикаси кунларини ўтказиш чоғида **янги технологиялар бўйича Ўзбекистон — Қозоғистон марказини** барпо этиш тўғрисида ахдлашувга эришилган эди. Шу кунларда биз марказнинг таъсис ҳужжатларини имзолашни режалаштиряпмиз.

Тенглик асосида ахборот ва тахририят материаллари алмаштирилди, базалар ва маълумот банкларини айрибош қилиш тўғрисидаги таклифлар тайёрланди. 1995-1996 йилларга мўлжалланган битим лойиҳаси ҳам тайёр. Бу битим чинакам ягона илмий-техникавий ахборот ҳудудини вужудга келтиришга имкон беради.

Патентга доир маълумотларни айрибош қилиш тўғрисида Қозоғистон Республикаси Миллий патент маҳкамаси билан Ўзбекистон Республикаси Давлат патент маҳкамаси ўртасида икки томонлама битим тузилди.

Халқ хўжалигининг барча соҳаларида ҳамкорлик қилиш бўйича бошқа лойиҳалар ҳам бор. Биз интеграция йўналишини белгилаб олдик. Бу халқларимиз фаровонлиги, республикаларимиз иқтисодий салоҳиятининг юксалишига кучли туртки бўлишига, ҳар бир давлатда ва бутун бир минтақада иқтисодий вазиятнинг соғломлашишига кўмак беришига ишончим комил.

Республикаларимиз ўртасидаги маданий алоқалар ҳам анъанавийдир. Чўқон Валиханов, Абай, Жамбул, Мухтор Авезов, Собит Муқонов, Анвар Олимжонов, Ўлжас Сулаймонов — уларнинг ўзбек ва қорақалпоқ тилларига таржима қилинган асарлари кутубхоналаримизда ўзбек ёзувчилари асарлари билан доимо ёнма-ён туради.

Биз Ойбек, Ғафур Ғулом, Миртемирнинг қозоқ қардошларимиз орасида қай даражада машҳур эканини ҳам биламиз.

Ҳозирги пайтда, илгари айтганимдек, **Ўзбекистонда 1 миллиондан ортиқ қозоқ, Қозоғистонда эса — ярим миллиондан ошиқ ўзбек истиқомат қилади.**

Бизда **605 қозоқ мактаби** бор. Уларда **15 минг бола** ўқийди. Ҳозир миллий маданиятларнинг қайта туғилаётгани ҳақида кўп гапириш расм бўлган, бироқ мен Тошкентдаги **қозоқ маданияти маркази** фаолияти ҳақида гапирар эканман, қозоқ маданиятининг қайта туғилиши ҳақида эмас, унинг ривожланаётгани хусусида гапиришни истар эдим.

Тошкент, Сирдарё, Жиззах, Нукус ва Навоий педагогика институтларида таҳсил қозоқ тилида олиб бориладиган бўлимлар бор. Кўплаб олий ўқув юртлари ва техникумларда кириш имтиҳонлари қозоқ ёшларидан уларнинг она тилида олиниши йўлга қўйилган.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ҳузурида қозоқ адабиёти кенгаши муваффақиятли ишлаб турибди.

Жиззах вилоят театрида **«Коктем» қозоқ театр-студияси** ташкил этилган. Мана, тўрт йилдирки, қозоқ тилида **«Нурли жол»** республика газетаси нашр этилмоқда.

Ҳурматли дўстлар!

Муносабатларимиз янада ривожланиши ва турмушнинг янгиянги қирраларини қамраб олаверишига шак-шубҳа йўқ. Ҳозир Қозоғистонда ўтаётган Ўзбекистон Республикаси кунлари ҳам Ўзбекистонда ўтган сизларнинг республикангиз кунлари сингари — ҳамкорлигимизни янада чуқурлаштириш сари ташланган янги қадамдир.

Халқларимиз бундан фақат ютади ва агар биз яхши қўшни ва дўст, тенг шерик сифатида савдо, сармоялар, айрибошлашлар, ҳукумат даражасида ва бошқа даражаларда алоқаларни кенгайтиришга ўзаро яхши шароит яратиб бериш тамойилини амалга оширишга эришсак, улар ҳозирги ислоҳотларни амалга ошириш натижасида тўғри маънода бой бўлишади.

Мен Ўзбекистонда Қозоғистон кўпроқ бўлиши, Қозоғистонда эса Ўзбекистон кўпроқ бўлишининг астойдил тарафдориман. Нурсултон Абишевич бу маънода мени қўллаб-қувватлайди, деб ўйлайман. Биз шундай қилсак, юксак тараққий этган мамлакатлар тажрибасидан тезроқ бахраманд бўламиз, охир-оқибатда юксак тараққиётга эришамиз.

Бир мамлакатда иккинчи мамлакат фирмаларининг филиаллари, машҳур корхоналар, компанияларнинг магазинлари кўпроқ очилаверсин. Турон халқлари ҳаётининг тарихий қон-томири, ҳар доим карвонлар бир-бирининг истиқболига қараб юрган **Буюк ипак йўли** қайтадан тикланиши керак.

Айрим мансабдор ва раҳбарларнинг сусткашлиги, узоқни кўра билмаслиги, чекланганлиги туфайли пайдо бўлган бюрократик ғовларда ифода бўлаётган барча суньий тўсиқларни олиб ташлаш керак.

Бу йўлни поклик, соғлом фикр, дўстлик ва ишончга асосланган Буюк ипак йўли деган юксак номга муносиб қилиш бизнинг қўлимиздан келади.

Биз ҳаммамиз — ўзбеклар ҳам, қозоқлар ҳам, мамлакатларимизни ватан қилган бошқа халқлар ва миллатларнинг вакиллари ҳам масалага мана шундай ёндошув, бу тамойилларнинг ҳаётимизда муайян равишда амалга ошиши тарафдоримиз.

Ҳурматли дўстлар, бовурларим!

Икки давлатнинг ақл-зиё аҳли, миллий санъат юлдузлари, таниқли олимлар, адабиёт арбоблари, журналистлар, иқтисодчилар, тадбиркорлар, ишлаб чиқариш ходимлари бир дастурхон тевирагида дўстона учрашадиган ҳозирдагидек тадбирлар байрамона кўнгил очарлар, дунёвий суҳбатлардан иборат бўлиб қолмаслиги керак.

Биз, халқимиз бошидан кечираётган даврнинг — ҳозирги кунда қадимги Турон-Туркистон диёрида юз бераётган воқеаларнинг муҳимлиги ва масъулиятини биргаликда англаб етмоғимиз лозим.

Шубҳасизки, турмушнинг барча соҳаларидаги ҳаётбахш ўзгаришлар маънавий ва ахлоқий қадриятларни тиклашдан бошланади. Қадрли дўстлар, айни шу соҳада сизларнинг эътиборли кишилар эканингиз, жамиятдаги, халқ орасидаги обрўингиз катта аҳамият касб этади.

Сизлар ижодингиз, ижтимоий фаоллигингиз билан ривожланган ва гуллаб-яшнаган давлатлар safи томон ҳаракатимизни тезлаштиришда ёрдам беришингиз мумкин. Энг муҳими, **ниҳоят ўзимизнинг бир бутун, яхлит қадимий Туркистон фарзандлари эканимизни ҳис этишимизга ва айни пайтда ўзлигимизни, ўз мустақиллигимиз ва ўзимизга хос фазилатларимизни сақлаб қолишга ёрдам беришингиз мумкин.**

Қийинчиликларни бошимиздан биргаликда кечиришимиз осонроқ бўлади, бунёдкорлик билан шуғулланишимиз, ҳар қандай сиёсий ва иқтисодий тазйиқларга бардош бериб, олдимизга қўйган мақсадга эришишимиз осонроқ бўлади.

Шу жиҳатдан қараганда, биргаликда ҳал қиладиган муаммоларимиз кўп, биргаликда муҳокама юритадиган, фикрлашадиган, кўнглимизда тўпланиб қолган ва айтадиган гапларимиз кўп.

ХХ аср ниҳоясида икки мустақил демократик давлатимиз янги тарихида яна бир беш йилликни ўтказишимиз керак.

Бу йилларнинг қандай бўлиши, улар бизга қандай яхшиликлар келтириши, авлодлар бизни қандай эслаши ўзимизга боғлиқ.

Азиз дўстлар!

Биз Қозоғистонга қозоқ халқи учун унутилмас йил — буюк шоир ва мутафаккир Абай туғилган куннинг 150 йиллиги нишонланаётган йилда ташриф буюрдик. Абай бундай деган эди:

Бўлсин десанг умр чороғон,
Тақдирингни оқлагил, инсон.
Садоқатли дўстсиз жаҳонда
Бойлик, шуҳрат—бариси ёлғон.

Бу ҳаққоний сўзлар фақат бугунги тантананинг эмас, умуман ўзбек — қозоқ муносабатларининг шиори бўлиши керак деб ўйлайман.

Шундан кейин Президент И. Каримов қозоқ тилида давом этади:

Ҳурматли қозоқ биродарларим!

Мен бир ўзбек азамати, ўзбек ота-онанинг фарзанди, дилимдаги бир рост гапни айтмоқчиман:

Қозоқ элини, қозоқ ерини, қозоқ биродарларимни яхши кўраман.

Бу фикр фақат менинггина эмас, барча ўзбекларнинг қонига, жон-танига сингиб кетган фикрдир.

— Ерда ҳаёт бор экан, қозоқ халқи абадий омон бўлсин, яшасин!

— Қозоқ биродарларим ҳеч қачон жафо чекмасин!

— Биз — ўзбеклар ва қозоқлар бир-биримиздан сира ажралмайлик!

БИРЛИГИМИЗ, ҚЎШНИЛИГИМИЗ ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАНАДИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

катта меҳнати учун Президентнинг тинчлик ва руҳий тотувлик мукофотини олиши бунинг ёрқин далилидир.

Асрлар бўйи давом этиб келаётган урф-одатларимиз бугун қайтадан янгиланмоқда. Тарихи ҳам, маданияти ҳам ҳеч бир мамлакатникидан кам бўлмаган ўзбек халқининг асрий орзулари ушалиб, қадди ростланиб, мустақиллигини мустаҳкамлаш йўлидан бормоқда. Халқ тақдири ҳал қилинаётган мана шундай пайтда ўзбек халқи ўзининг ардоқли фарзандини юртбоши этиб сайлаб олди, март ойида унга яна бир бор ишончини намоён қилди. Ана шундай улкан ишончга эга бўлган ардоқли инсон — менинг азиз дўстим Ислом Каримовдир. Мен Ислом Каримовнинг ўзбек халқи бахт-саодати йўлида қанчалик жон куйдириб, куч-қувватини аямасдан меҳнат қилаётганини яхши биламан. Давлатни бошқаришдаги мана шундай донолиги уни бутун дунё миқёсида улкан давлат арбоби даражасига кўтарди.

Қозоқ ва ўзбек халқлари азалдан мард киши халқининг бахти, халқ эса мард кишининг бахти, деб билади. Шундай кишиларни бошига кўтариб, алоҳида эъзозлайди. Бугунги кунда ўзбек халқининг ўз Президентига улкан ишонч билдириб, унга эргашаётгани халқ бирлигининг далили, келажакдаги қут-барака, тўкин-сочинликнинг бошланишидир.

Ислом Каримов фақат менинггина дўстим эмас, бутун қозоқ халқининг ҳам улкан дўстидир. Пайти келганда шуни айтиш лозимки, Қозоғистон мустақиллигини эълон қилган дастлабки кунларда бизга турли томондан кўз олайтирганлар оз эмас эди. Ўшандай бир оғир вазиятда фақат Ислом Каримов «ўзбек халқи қозоқ халқининг мустақиллигини ўз мустақиллиги сингари биргаликда ҳимоя қилишга тайёр» деб ҳеч нарсадан ҳайиқмасдан, очиқ айтган эди. Ўзбек халқининг мустақиллиги хусусида бизнинг ҳам айтиладиганимиз шу: қозоқ халқи мустақиллик масаласида доимо ўзбек халқи билан бирга.

Иккинчидан. Яқинда Ўрдабошида барча қозоқлар йиғилиб, ота-боболарининг руҳларини ёдлаган кезда ҳам Ислом Каримов биз билан бирга бўлди.

Учинчидан. Ўзбек ва қозоқ Президентлари Хўжа Аҳмад Яссавий мақбараси ёнида чодир тикиб, тарихда «Туркистон шартномаси» деган ном олган битимга имзо чеккан эдилар. Бу битим буюк бобомизнинг руҳи қаршисидаги қасамга тенг, икки қардош халқнинг мустақиллигини, икки халқнинг мангу дўстлигини тасдиқловчи ҳужжатдир.

Ҳурматли Исломжон, ўзингиз бошлиқ бир гуруҳ ўзбек жигарларимиз яқинлашиб келаётган Абай отамизнинг 150 йиллик тўйининг азиз меҳмони бўласизлар, деб ишонамиз. Марҳамат қилгайсизлар, бағримизни очиб кутиб оламиз.

Менинг замондошларимга ҳам, келажак авлодларга ҳам айтадиган гапим — эски тоталитар тузумдан қолган қизғанчиқлик, кўролмаслик, манманлик сингари иллатлардан халос бўлиб, ўзбек ва қозоқ халқларининг асрлар давомида шаклланган дўстлигига ҳеч қачон ғубор юқтирмайлик, уни кўз қорачиғимиздек асрайлик, янада мустаҳкамлайлик. Ислом Каримов ҳам ўз юртида доимо шу ҳақда гапиради.

Қозоғистон билан Ўзбекистоннинг эзгу мақсадларни кўзлаган сиёсати Марказий Осиёгагина эмас, балки бутун МДҲ халқларига, ҳатто бутун Осиё қитъасига ўз таъсирини ўтказиши, шубҳасиз.

Мана шуларни эслар эканмиз, биз қардош ўзбек диёрида янги кўринишдаги мустақил давлат барпо этиш ишининг кўнгилдагидай амалга оширилаётганидан чин юракдан қувонамиз, эришилаётган муваффақиятлардан фахрланамиз.

Дўстимиз Ислом Каримовга, барча ўзбек халқига доимо баракали меҳнат, бахтиёр келажак тилаймиз. Қозоғистон, Қирғизистон, Ўзбекистон ўртасидаги иқтисодий жипслашишни халқларимизнинг бахтли келажагига қаратилган улкан маънога эга иш, деб ҳисоблаш мумкин. Бу ишга қардош Туркманистон, Тожикистон халқлари ҳам қўшилади, деб ишонамиз. Марказий Осиёдаги беш мамлакатнинг Орол муаммосини ҳал қилиш бўйича тузган битими, биргаликда ташкил этган Орол жамғармаси — уларнинг бу бирликка қўшилишининг яхши нишонасидир.

Ҳурматли меҳмонлар, жигарларимиз!

Бугун тантанали вазиятда очилаётган Қозоғистон Республикасида Ўзбекистон Республикаси кунлари икки халқ иттифоқини янада мустаҳкамлайдиган муҳим тадбирдир. Бугунги муҳим тарихий бурилиш даврида бирлигимиз, яқин қўшнилигимиз янада мустаҳкамланади, деб ишонаман. Мамлакатларимизнинг иқтисодий салоҳияти, табиий бойликлари, жўғрофий ўрни халқларимизнинг иттифоқ бўлиб, ўзаро фойдали муносабатлар ўрнатиб яшашига тўла имконият беради. Ана шу йўлимиз ойдин бўлсин, икки қўшни халқнинг қардошлиги мустаҳкамланаверсин! Осмонимиз доимо мусаффо бўлиб, заминимиз, халқимиз бахт-саодатга тўла бўлсин!

Шундан кейин Қозоғистон Президенти Н. Назарбоев ўзбек тилида бундай деди:

Ҳурматли дўстлар!

Сўзимнинг охирида шуни айтаманки, Қозоғистонда Ўзбекистон кунларининг ўтказилиши иккала халқнинг дўстлик байрамига айланади, деб тўла ишонаман.

Меҳмондўст қозоқ ерида сиз ўтказадиган ҳар бир кун ва ҳар бир соат сизлар учун олийҳиммат юксак тилаклар ҳамда қалб эътибори билан тўла бўлишига ҳеч шубҳа йўқ.

Доим яхшилик билан кўришайлик!

Эътиборларингиз учун раҳмат!

ҚОЗОҒИСТОНДА ЎЗБЕКИСТОН КУНЛАРИ ДАВОМ ЭТМОҚДА

(Давоми. Боши 1-бетда).

дентининг қароргоҳи сари йўл олади. Бу ерда икки мамлакат раҳбарларининг яккама-якка суҳбати бўлиб ўтди. Унинг асосий мавзусини икки томонлама ҳамкорликнинг бугунги куни ва истиқболлари муҳокамаси ташкил этди. Президентлар Ўзбекистон ва Қозоғистоннинг турли соҳалардаги ўзаро алоқаларини янги поғонага кўтариш зарурлиги ва бунинг учун бугунги кунда барча имкониятлар мавжудлиги борасида ҳамфикр эканликларини изҳор этдилар.

Тушдан сўнг президентлар «Атакент» ишбилармонлар марказида «Интеграция-95» кўргазмасининг очилиш маросимида қатнашдилар. И. Каримов ва Н. Назарбоев кўргазмада намойиш этилаётган Ўзбекистоннинг иқтисодий ва илмий-техникавий имкониятлари ҳосили — авиасозлик, машинасозлик, тўқимачилик ва енгил саноат, тиббиёт ва қишлоқ хўжалиги товарлари, замонавий асбоб-ускуналар, шунингдек, Ўзбекистон ҳамда Қозоғистон қўшма корхоналари ишлаб чиқараётган турли маҳсулотлар намуналари билан танишдилар. Кўргазманинг Ўзбекистон ва Қозоғистон учун янги соҳа бўлган автомобилсозлик бўлими Президентларда катта қизиқиш уйғотди.

Маълумки, Асакада Жанубий Кореянинг «ДЭУ» фирмаси билан ҳамкорликда енгил машиналар заводи бунёд этилмоқда. Келаси йил завод конвейерларида дастлабки машиналар йиғила бошлайди. Қозоғистон Президенти ҳам Жанубий Кореяга ташрифи чоғида «ДЭУ» фирмаси билан ҳамкорлик ҳақида музокаралар олиб борди. Кўргазмалар биносининг иккинчи қаватида ўтган Ўзбекистон ва Қозоғистон ишбилармон доиралари учрашувида Президентлар икки дўст республика ўртасида кечаётган интеграция жараёни тўғрисида сўз юритиб, шу жумладан, Ўзбекистон, Қозоғистон ва Жанубий Корея давлатлари ўртасида уч томонлама ҳамкорлик масалалари хусусида ҳам тўхталдилар. И. Каримов ва Н. Назарбоев тадбиркорларни фурсат кутиб ўтирмасдан, ҳамкорлик алоқаларини дадил ривожлантиришга чақирдилар. Бунинг учун барча ҳуқуқий асослар яратилган, хусусан, Ўзбекистон ва Қозоғистон ўртасида ўзаро ҳамкорлик ҳақидаги битим мавжуд. Ҳар икки давлат 2000 йилгача тузилган интеграция дастурига риоя қилмоқда. Ўзаро ҳисоб-китобларни тезлаштириш ва осонлаштириш учун Марказий Осиё банки ташкил этилди ва мазкур банк ҳозирнинг ўзидаёқ халқаро доираларда тан олинмоқда. Учрашувда икки томон ишбилармонлар вакиллари интеграцион жараёнлар билан боғлиқ кўплаб масалаларни муҳокама қилдилар.

Қозоғистонда Ўзбекистон кунлари очилиши маросими арафасида Президентлар И. Каримов ва Н. Назарбоев қозоқ халқининг буюк фарзанди, бу йил 150 йиллиги кенг нишонланадиган улуғ адиб Абай Қунонбоев ҳайкали пойига гулчамбарлар қўйдилар.

Кечқурун Алмати шаҳри марказидаги республика саройида Қозоғистонда Ўзбекистон Республикаси кунлари очилишига бағишланган тантанали йиғилиши бўлди. Шу муносабат билан пойтахтнинг мазкур ҳашаматли саройига Ўзбекистон ва Қозоғистон Республикаларининг маданият, фан ва санъат арбоблари, жамоатчилик вакиллари, ҳорижлик меҳмонлар ҳамда шаҳар аҳли вакиллари тўпланди. Йиғилганлар Президентлар Ислом Каримов ва Нурсултон Назарбоев ҳамда икки мамлакат ҳукумат аъзоларини олқишлаб кутиб олдилар.

Тантанали йиғилишни Қозоғистон Республикаси Бош вазири Е. Асанбоев очди. Икки республиканинг давлат мадҳиялари янгради.

Кечада Нурсултон Назарбоев билан Ислом Каримов табрик нутқи сўзладилар.

Маросим сўнгида Ўзбекистон ва Қозоғистон санъат усталари иштирокида катта концерт намойиш этилди. Ушбу қўшма концерт Қозоғистонда Ўзбекистон кунлари доирасида ўтадиган маданий дастурни бошлаб берди. Ўзбекистоннинг бир қанча таниқли бадиий жамоалари Алмати ва Қозоғистоннинг ўнга яқин вилоятида томошабинлар ҳузурида концерт қўйишади. Қозоғистонда бошланган дўстлик ва қардошлик байрами 25 майгача давом этади.

***

Шу куни мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримов бошчилигидаги расмий делегация Тошкентга қайтиб келди.

Ғулом МИРЗО,
ЎзА махсус мухбири.



ЧИРЧИКДАГИ «Электркимёсаноат» ишлаб чиқариш бир бирлашмасининг минерал ўғитлари цехи ишчи-хизматчилари шу кунларда ҳар қачонгидан ҳам зўр кўтаринкилик билан меҳнат қилмоқдалар. Улар республикамиз пахтакорларининг ўғит етказиб бериш бўйича буюртмаларини вақтида ва сифатли бажариш учун ҳаракат қилмоқдалар. Ушбу суратда цех касаба уюшмаси қўмитаси раиси Маҳмуд Нуридиновни (ўртада) ишчилар Равил Байрамов ва Раҳим Эргашевлар билан иш юзасидан ўзаро суҳбат вақтида кўриб турибсиз.

Даврон АҲМАД олган сурат.

ЯНГИ ЖАМОАТЧИЛИК ҲАРАКАТИ

Шу йил 22 май куни вилоят ҳокимлигининг катта мажлислар залида янги — Ўзбекистон Республикаси «Халқ бирлиги» жамоатчилик ҳаракати Тошкент вилояти булимининг таъсис анжумани булиб ўтди.

Ҳаракатнинг номланиши унинг турли миллат ва элатга мансуб халқлар бирлигини таъминлашдек олийжаноб мақсадларидан далолат бериб турибди.

Таъсис анжуманида «Халқ бирлиги» жамоатчилик ҳаракатининг Тошкент вилоят булими ташкил этилди.

Вилоят ҳокимлиги матбуот бошқармаси бошлиғи Шавкат Аббосович Миралимов Ўзбекистон Республикаси «Халқ бирлиги» жамоатчилик ҳаракати Тошкент вилояти булимининг раиси этиб сайланди.

Анжуманда шунингдек, Ўзбекистон Республикаси «Халқ бирлиги» жамоатчилик ҳаракати таъсис қурултойига делегатлар ҳам сайланди.

Ғўза парвариши қандай бормоқда?

КЎЧАТЛАРНИ ТЎЛА САҚЛАБ ҚОЛАЙЛИК

Бу йил баҳор об-ҳавоси анча қуруқ келди. Ана шу имкониятдан фойдаланган пахтакорларимиз чигитни апрель ойининг биринчи 15 кунлигида экиб, асосий майдонларда уруғликни ернинг табиий намига ундириб олдилар. Бу мўл ҳосил етиштириш йўлида эришилган дастлабки ютуқ бўлди. Лекин буни мустаҳкамлаш, 108 минг гектар майдонда режадаги 280 минг тонна пахта учун етарли ҳосил тўплаш учун ҳар бир соат, ҳар бир дақиқани ғаниматдек билиб, парвариш ишларини намунали олиб бориш талаб этилади. Ишнинг кўзини билган тажрибакор деҳқонлар худди ана шундай иш олиб бормоқдалар. Шунинг учун ҳам ҳозирги кунга келиб ғўза 5-6 чинбарг чиқарди. Ягона анча барвақт тугалланди. Ҳар гектар майдонда ўртача 90-100 минг туп кўчат парваришланмоқда. Миришкорлар ишловни ғўзанинг ривожи, талабига қараб олиб бормоқдалар. Бор техника ва бошқа воситалардан оқилона фойдаланмоқдалар. Экин бир марта озиқлантирилди, чопиқдан чиқарилди. Даланинг ҳолати, ғўзанинг талабига қараб сув қуйилмоқда. Бу йил об-ҳаво қуруқ келганлиги учун шира деярли йўқ. Лекин бу билан хотиржамланмаслик керак. Ўргимчаккананинг тарқалишига йўл қўймаслик учун олдиндан эҳтиёт чораларини кўриш талаб этилади.

Ўртачирчиқ, Оққўрғон, Қуйичирчиқ, Бекобод туманларининг деҳқонлари ғўза парваришини, айниқса, намунали олиб бормоқдалар.

Ҳозирги кундаги асосий вазифа бор имкониятларни тўла ишга солиб, парваришни ҳар жиҳатдан кучайтиришдан иборатдир. Шунга эришиш керакки, гектарлардаги мўлжалдаги кўчатлар тўла сақлаб қолиниши ва ёппасига ҳосилга киритилиши зарур. Бунинг учун шу кунларда нималарга эътибор бериш керак? Албатта, кўчатларни тўла сақлаб қолиш билан бирга эртанги ҳамда сифатли ҳосил етиштириш учун ҳар бир агротехник тадбирни бекаму-кўст амалга ошириш да, хусусан культивацияни ўтказишда сифатга эътибор бериш зарур. Бу механизаторнинг тажрибаси ва маҳоратига ҳам боғлиқ, албатта. Культиваторларни далага олиб чиқишдан олдин уларнинг ишчи органлари тўлиқ бўлишини таъминлаш мухимдир. Озиқлантиришни тезлаштириш керак. Айрим хўжаликларда ғўзани суғоришга ҳали вақт бор деган кайфият ҳам йўқ эмас. Бунга қўшилиб бўлмайди. Чунки хаво қуруқ келяпти. Ҳар бир картада тупроқ шароитини ҳисобга олиб, ўсимликларнинг ривожини кузатиб, талаб қилган ерга, албатта, сув қуйиш керак. Ана шу талабларга риоя қилсак, белгиланган тадбирларни ўз вақтида амалга оширсак ва бунда юқорида қайд қилганимиздек, ишнинг сифатига алоҳида эътибор берсак, ҳеч сўзсиз ғўзаларнинг ривожи тезлашади. Демак кўчатлар тўла сақлаб қолинади. Катта майдонларда режадаги ҳосилни етиштириш ва мўл ҳосил тўплаш мумкин бўлади. Фидойи, лабзи ҳалол, қийинчиликларни енгишга қодир, тажрибакор деҳқонларимизнинг бунинг уддасидан чиқишларига ишончимиз комил.

АСКАРИ ҚУДРАТЛИ МАМЛАКАТ БОЙ БЎЛУР

Куни кеча Паркент туманида вилоят мудофаа Ишлари бошқармасининг йиғилиши бўлиб ўтди. «Ўрта ўқув юртларида ёшларни чақириққа тайёрлаш, ўқув-моддий, спорт базаларини яратиш ва такомиллаштиришга бағишланган мазкур йиғилишда вилоятимизнинг барча туман ва шаҳар ҳокими муовинлари, мудофаа ишлари бўлимлари вакиллари, Ёшлар Иттифоқи қўмитаси котиблари, халқ таълими бўлимининг ҳарбий таълим услубиятчилари ва бошқа мутасаддилар иштирок этишди. Вилоят Мудофаа Ишлари бошқармаси бошлиғининг муовини А. Қосимов ҳарбий хизматга чақирилувчи ёшларнинг соғлиғи улар онгига ватанпарварлик тушунчаларини сингдириш, мактабларда бошланғич синфларданоқ жисмоний тарбияга жиддий эътибор қаратиш хусусида алоҳида тўхталди.

Паркент тумани ҳокими Т

1995 йил—иқтисодни барқарорлаштириш йили

ФЕРМА ЭГАСИНИ ТОПДИ

Республикада биринчи марта Ўртачирчиқ туманидаги «Гулистон» халқ корпорациясининг сут-товар фермаси ким ошди савдосига қўйилди. 4.600 минг сўмга баҳоланган ушбу фермага энди Аҳмаджон ВОҲИДОВ эгалик қилади

БУГУН республикамиздаги каби вилоятимизда ҳам қишлоқда ислоҳотларни жадаллаштириш борасида бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, янги ишчи ўринлари барпо этиш мақсадида очилган қатор қўшма ва кичик корхоналар, хўжаликларда мулкчилик шаклларининг дадил ўзгариши, уй-жой қуриш ва томорқа учун ер участкаларининг ажратиб берилиши, сотилиши, фермерлик ҳаракатини кенгайтириш борасидаги тадбирлар шулар жумласидандир. Булардан кўзда тутилган асосий мақсад: мулкни ўз эгасига топшириш орқали самарадорликни ошириш ва халқ фаровонлигини таъминлашдир.

Бу борада Президентимиз Ислом Каримов 16 майда бўлиб ўтган Республика Вазирлар Маҳкамасининг мажлисида сўзлаб, мулкчиликка нисбатан муносабатни ўзгартириш, иқтисодий салоҳиятни мустаҳкамлаш, иқтисодиётни барқарор ва изчил ривожлантириш йўлидаги кечиктириб бўлмайдиган муаммоларни тезроқ ҳал этиш зарурлигини, мулкни давлат тасарруфидан чиқариш, хусусий мулкчиликка, тадбиркорликка йўл очиш керакли-гини, барча бўғиндаги раҳбарлар бу масалага жиддийроқ қарашлари лозимлигини қайд қилдилар. Айни пайтда ислоҳотларни амалга оширишдаги лоқайдлик, оқсоқликка йўл қўйилаётганлигини ҳам таъкидлаб ўтиб, бундай камчиликларга барҳам бериш зарур, дедилар.

Дарҳақиқат, хусусийлаштириш, мулкдорлар сонини кўпайтириш мамлакатимизнинг, давлатимизнинг иқтисодий мустақиллигини таъминлаш ' кишилар турмуш даражасини ошириш билан боғлиқ муҳим омилдир.

Шу йил 19 май куни Ўртачирчиқ туманидаги «Гулистон» халқ корпорацияси сут-товар фермасини ким ошди савдоси орқали хусусийлаштиришга бағишланган тадбирда сўзга чиққанлар ҳам юртбошимизнинг бу фикр-мулоҳазалари жуда ўринли эканлигини эътироф этдилар.

Биз корпорацияда ким ошди савдосини ташкил этишнинг фаол мутахассисларидан бири, «Узчорванасл» бирлашмаси бош директорининг ўринбосари Боқижон ТЎХТАЕВ билан суҳбатлашиб, бу тадбирнинг моҳиятини шарҳлаб беришни илтимос қилдик.

— Бугунги анжуман, — деди у, — республика қишлоқ хўжалик вазирлиги, Тошкент вилоят ҳокимлиги, шу жумладан Ўртачирчиқ туман ҳокимлигининг Республика Вазирлар Маҳкамасининг қишлоқда иқтисодий ислоҳотларни янада жадаллаштириш билан боғлиқ қарорларини ижро этиш борасидаги оммавий ишлари давомидир. Ўзингизга маълум, республикамиз Президенти Вазирлар Маҳкамасида бўлиб ўтган йиғилишда раҳбарлар, ҳокимлар ва мутахассислар эътиборини ана шу масалага жиддий қаратдилар. Шунингдек, вилоят ҳокимининг биринчи муовини Тўлқин МИРЁҚУБОВнинг ҳозирги сўзларидан ҳам билиб олдингизки, вилоятда савдо, аҳолига маиший хизмат кўрсатиш тармоқларида хусусийлаштириш ниҳоясига етказилган. Эндиликда вилоятда чорвачилик фермалари, корхоналар ва бошқа мулкларни хусусийлаштириш, эгаларига бериш юзасидан катта ишлар бошланмоқда.

Бугунги ким ошди савдоси ҳақида гапирадиган бўлсак, бу республикада янгиликдир. Илк бор ўтказилган бу тадбирга пухта ҳозирлик кўрилди. Хўжаликда ташкил этилган комиссия, вилоятда ва туманда тузилган ишчи гуруҳлари билан бирга, бу ишни амалга оширишда биз ҳам фаоллик кўрсатдик. Зарур ҳужжатлар тайёрлангач, улар республика қишлоқ хўжалик, молия вазирликлари, мулк қўмитаси томонидан тасдиқланди. Адлия вазирлигидан қайд қилингач, кучга кирди.

Мазкур тадбир асосида чорвачилик фермаларини хусусийлаштиришга бағишланган махсус рисола ҳам чоп этилди. Унда ферманинг барча ҳужжатлари мужассамлашди.

Шуни айтиш керакки, чорвачилик фермасига корпорацияда меҳнат қилувчи 7 кишиданталаб аризаси тушди. Аслида чет кишилардан ҳам худди шундай аризалар тушиши мумкин эди. Ана шундай ҳолатда ким ошди савдосида тўхталган энг охирги нархни тўлаш муддатида фарқ бўлишини ҳам таъкидлаб қўймоқчиман. Масалан, корпорациядан тушган ариза эгаси шу хўжаликда меҳнат қилгани учун белгиланган нархни 6 йилда тўласа, четдан ариза билан мурожаат қилган киши 3 йил муддат давомида тўлаши керак бўлади. Бу ҳужжатларда алоҳида қайд қилинган.

Сиз боя ким ошди савдосининг шартлари ҳақида ҳам сўраган эдингиз, дея суҳбатда давом этди мутахассис. Ўзингиз гувоҳ бўлганингиздек, савдо бошланиши олдидан хўжаликда ташкил этилган комиссия раиси, корпорация раҳбари Тўйчи Эргашев ферма ҳақида қисқача маълумот берди. У иқтисодий кўрсаткичлар ҳақида ҳам батафсил тўхталди. Чорва моллари-нинг соғломлиги ҳақида олинган ҳужжатларни йиғилганларга кўрсатди. Ферманинг ким ошди савдосига қўйилган дастлабки нархи 2 миллион 900 минг сўм эканлиги, бахс жараёнида бу нарх 50 минг сўмдан ошиб боришини маълум қилди. Раис йиғилганларни талабгорлар аризалари билан таништирди. Айни пайтда ким ошди савдосидан тушган маблағ тўлиқ корпорациянинг ўзида қолишини ҳам билдирди. Шу билан биргаликда фермани сотиб олган кишига 82 гектар ер озуқа маҳсулотлари етиштириш учун ажратиб берилганлиги, 3 йил давомида фермадаги фаолият йўналишини ўзгартирмаслик шартлиги, масалан, ўзбошимчалик билан сигирларни сотиб фақат гўшт тайёрлашга ўтиб олмаслик, белгиланган муддатда пулни тўлолмаса, ферма корпорацияга қайтарилиши ҳақида ҳам тушунтириш берди. Бу тартиблар ким ошди савдосининг асосий шартларидир.

... Аукцион бошланди. Унда шу хўжаликда зоотехник бўлиб ишлаб келган вилоятимиз фуқароси Аҳмаджон Воҳидов ғолиб чиқди. Фермани 4.600 минг сўмга сотиб олди. Шу тариқа хўжалик мулки ўз хусусий эгасини топди.

Аҳмаджон оддий деҳқон фарзанди, касбини пухта эгаллаган мутахассис. Отаси ҳам кўп йиллар давомида шу хўжаликда озуқачилик бригадаси бошлиғи бўлиб ишлаган. Оиласида ёнига кирадиганлар кўпчиликни ташкил этади. Бунинг устига А.Воҳидов жамоа йиғилишида ижобий тавсифнома олган. Биз унга чин дилдан муваффақият тиладик.

Б.Тўхтаев бизга эндиликда Вазирлар Маҳкамасининг қарорига кўра бўрдоқичилик, наслчиликка мослашган ҳамда ёрдамчи чорва хўжаликларидан ташқари, барча хўжаликлардаги фермалар ким ошди савдоси орқали хусусийлаштирилиши тўғрисида ҳам гапириб берди. Бундай фермаларни вилоятлар агросаноат бирлашмалари белгилаб берадилар.

Шу кунги ким ошди савдоси унинг иштирокчиларида катта қизиқиш уйғотди. Сўзга чиққанлар республикамизда ташаббускорлик ва тадбиркорликка кенг йўл очилаётганлигини, бу имкониятдан фойдаланиш лозимлигини, масъулиятдан қўрқмаслик кераклиги, бошқарувнинг барча босқичларида қарорларни мустақил равишда, тезкорлик билан қабул қилиш ва ижро этиш лозимлиги тўғрисида ўз мулоҳазаларини билдирдилар.

Вилоятимизда чорва фермаларини хусусийлаштириш бўйича биринчи қадам ташланди. Ҳали бундай тадбирлар қатор фермаларда ўтказилади. Шубҳа йўқки, улар ўз эгаларини топгач, вилоятда чорва моллар наслини яхшилиш, маҳсулдорликни ошириш, аҳолининг гўшт ва сутга бўлган эҳтиёжини қондириш борасида белгилаб олинган катта вазифалар, албатта, бажарилади.

«Гулистон» халқ корпорациясида бўлиб ўтган ким ошди савдосида Узбекистон қишлоқ хўжалиги вазири Р.Х.ХУСАНОВ, Республика Вазирлар Маҳкамаси агросаноат мажмуи бўлими мудири И.Т.МАРДОНОВ, Тошкент вилояти ҳокими Э.М.РЎЗИЕВ иштирок этдилар.

Шунингдек, бу анжуманда вилоят ҳокимлиги бўлим ва бошқарма, бирлашмалари раҳбарлари, Қишлоқ хўжалик вазирлигининг республикадаги барча вилоятларга биркитилган масъул ходимлари, туманлар ҳокимлари, ҳокимлар муовинлари, хўжалик раҳбарлари, чорвачиликка дахлдор мутахассислар ҳам иштирок этдилар.

С.ҲАСАНОВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбири.



Суратларда: (чапда) «Ўзчорванасл» бирлашмаси директорининг ўринбосари Боқижон Тўхтаев ким ошди савдосини бошқармоқда; ким ошди савдоси ғолиби Аҳмаджон Воҳидовни (ўртада) кўриб турибсиз.

Н. МУҲАММАДЖОНОВ олган суратлар.

Фармон ва ижро

Республикамиз, шу жумладан, Тошкент вилояти бозор иқтисодиёти йўлидан дадил боряпти. Мамлакат Президентининг Фармони эълон қилингандан сўнг ўтган қисқа вақт ичида мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш, хусусий тадбиркорлик тузилмаларини барпо этиш, уларга зарур ёрдам бериш бўйича катта ишлар амалга оширилди. Вилоят ҳокимининг қарори билан иқтисодий ислоҳотларнинг боришини ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлашни назорат қилиш бўйича тузилган штаб бу ишларни ўзининг доимий диққат марказида тутиб турибди. Мунтазам тарзда ўтказилаётган текширишлар фармон ижросини таъминлаш юзасидан жойларда кўпгина ижобий ишлар амалга оширилаётганлигини, шу билан бирга зудлик билан ҳал қилиниши лозим бўлган муаммолар вужудга келаётганлигини ва баъзи жиддий нуқсонларга йўл қўйилаётганлигини ҳам кўрсатмоқда.

ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК: ОҒРИҚ ЖОЙЛАР ҚАЕРДА?

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Хусусий тадбиркорликда ташаббус кўрсатиш ва уни рағбатлантириш тўғрисида»ги Фармони ҳамда Тошкент вилояти ҳокимининг шу масала юзасидан қабул қилган қарори жойларда қандай бажарилаяпти?

ҚОЯГА ЧИҚҚАН ЧЎҚҚИНИ КЎЗЛАЙДИ

Шу кунгача шаҳар ва туман ҳокимликлари худудлардаги 1200 дан кўпроқ хусусий ва кичик корхоналарни рўйхатга олди. Давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бошқармаси эса бўш ётган 1100 га яқин биноларни шартномалар тузиб тадбиркорларга берди. Мустақил тарзда иш бошламоқчи бўлиб бўш жой илинжида бошқармага келаётган ишбилармон ва тадбиркорлар сони тобора кўпайиб боряпти. Вилоят давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бошқармаси ижара шартномалари тузиш бўйича талабгорлардан тушаётган аризаларни вақтида кўриб чиқиб, давлат ордерлари берилишини таъминлаяпти. Булардан ташқари бошқарма республика давлат мулкини бошқариш қўмитасига бизнес режалари асосида кредитлар ажратиш масаласини кўриб чиқиш учун хусусийлашган 17 та корхонанинг ҳужжатларини юборди. Шундан 5 та корхона фаолиятини ривожлантириш учун 7950 минг сўм ажратилди. Ҳозир яна 5 та корхонага кредит ажратиш, 6 та корхонанинг бизнес режаларини расмийлаштириш тадбирлари кўриляпти.

Вилоят ҳудудларида ким ошди савдоси йўли билан мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ҳам оддий ҳолга айланиб бормоқда. Хусусий мулкка эгалик қилишни истаган кишилар бундай тадбирда тобора кўпроқ қатнашмоқдалар. Шу йилнинг март ойигача 20 та мулк ким ошди савдосига қўйилиб 5970,1 минг сўмга, умумий сатҳи 46 минг квадрат метр ер майдонлари эса 1398,1 минг сўмга сотилган эди. Бу хилда савдо уюштириш изчил давом этяпти.

Халқимизда «Қояга чиққан чўққини кўзлайди», деган нақл бор. Хусусийлаштириш ва тадбиркорликни ривожлантириш борасида амалга оширилаётган илк тадбирлар вилоят иқтисодий ислоҳот йўлидан дадил бораётганини кўрсатиб турипти. Аммо воқеаларнинг бориши баъзи жойларда бу муҳим иш ғоят қийинчилик билан кўчаётганлигини ва ҳатто жиддий тўсиқларга дуч келинаётганлигини ҳам тасдиқламоқда. Бундай вазиятнинг вужудга келиши эса аввало айрим раҳбарларнинг масъулиятсизлиги, етарли назорат ўрнатмаганлиги, хусусий тадбиркорликни ҳар томонлама ривожлантиришга иқтисодий тараққиётни таъминловчи омил сифатида қарамаётганлиги сабаб бўляпти.

ГАПНИ ГАПИР УҚҚАНГА

Янгиобод шаҳрида яхши ниятлар билан «Имконият» техник-ишлаб чиқариш фирмаси ташкил этилган эди. Бу фирма ўз низомига кўра шаҳардаги барча маҳсулот ишлаб чиқарадиган тадбиркор тузилмаларни хом ашё ва бошқа материаллар билан таъминлаши лозим эди. Хўш, амалда нима бўлди? Фирманинг иши гуллаб-ривожланиб кетдими? Йўқ. Тўраларча иш тутиш, кўра-била туриб суньий тўсиқлар яратиш бу гал ҳам бошланган яхши ишни барбод қилиб, «Имконият»нинг барча имкониятларини йўққа чиқарди. Энди эса бошларини қаерга уришларини билмай қолган фирма раҳбарларининг хасратидан тутун чиқаяпти. Негаки ҳукумат фирмага ёрдам бериш ҳақида ҳужжат расмийлаштириб берганига қарамай республика Истиқболни белгилаш қўмитаси, «Узбекбиржасавдо», Олмалиқдаги кон-металлургия ҳамда Узбекистон металлургия комбинатлари раҳбарлари «Имконият» фирмасига металл ва ёғоч ажратиш ҳақидаги топшириқни бажариш ўрнига елка қисишаётган бўлса фирмадагилар нима ҳам қилишсин. Чиллаки чиллакини кўриб чумак уради, деганларидек ҳатто Кучлук нефть маҳсулотлари базаси раҳбарлари ҳам катта-катта идоралар «Имконият»ни назар-писанд қилмаётганини кўриб, тайёр наряд бўлса ҳам фирмага ёнилғи-мойлаш материалларини бермаяптилар.

Вужудга келаётган янги корхона ва фирмалар фаолиятига менсимай қарашнинг оғир оқибатларини фақат «Имконият»гина татиб кўргани йўқ. Ангрен шаҳридаги «Виктория» илмий-техника ишлаб чиқариш бирлашмаси ҳам шундай воқеаларни бошидан кечиряпти. Йўқ, бирлашмага асосий зарбани йирик ишлаб чиқариш корхоналари эмас, балки улар билан яқин ҳамкорликда иш олиб бориши лозим бўлган шаҳар қурилиш саноат ҳиссадорлик банки бермоқда. Бирлашма бош директорининг айтишича, ҳиссадорлик банки раҳбари Р. Шокированинг топшириғи билан гарчи ўзаро шартномада йилнинг ҳар бир чорагида 3-4 минг сўм пул топшириш қайд этилган бўлса ҳам бу рақамлар ўз-ўзидан кўпайиб, ҳар ойга 100 минг сўм қилиб белгиланибди. Шартнома шартларининг асоссиз тарзда бир томонлама ўзгартирилиши, иккинчи томонда норозилик туғдириши табиий ҳол, албатта. Бироқ «Виктория» ишлаб чиқариш бирлашмаси раҳбарларининг бу масалага ойдинлик киритиш учун қилган барча ҳаракатлари зое кетди.

Бор отангга, бор онангга қабилида тўраларча иш юритишнинг жабрини тортаётган кичик корхоналар Ангренда айниқса кўп. Агар суҳбатлашиб қолгудек бўлсангиз «Меҳнат резервлари» корхонаси жамоаси маҳсулот ишлаб чиқариш учун тегишли ҳужжат ололмаётганлигидан, кальций-карбид ишлаб чиқаришни йўлга қўйган «Карбид» фирмаси раҳбарлари таъминотдаги ва пул маблағларидаги қийинчиликлардан, «Турон» хусусий кичик корхонаси хом ашё таъминотидаги узилишлар сабабли ишчиларнинг ва дастгоҳларнинг умри бекор ўтаётганлигидан ҳасрат қиладилар. Бироқ тадбиркорларнинг муаммоларини ҳал этиш асосий вазифаси бўлган шаҳарда иқтисодий ислоҳотларнинг боришини, тадбиркорларни қўллаб-қувватлашни назорат қилувчи штаб ҳамда давлат мулкини хусусийлаштириш, тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш бўлимининг бошлиғи А. Исмоилов ҳар куни ўнлаб ана шундай шикоятларни эшитса ҳам парвосига келтирмайди. Бизнес режаларини тузиш ва шу асосда тадбиркорларга молиявий ёрдам бериш ўёқда турсин, ҳатто унинг шу ҳақда бирор тушунчаси ҳам йўқ экан.

Ангрен шаҳар ҳокимлиги айрим ходимларининг бу хилда билиб-билмай иш тутиши зарарини пировардида тудбиркорлик тузилмалари кўраётирлар. Иш ҳатто шунгача етиб бормоқдаки, ҳокимлик тадбиркорларнинг имкониятларини, уларнинг қандай маҳсулот ишлаб чиқариш билан шуғулланаётганлигини сўраб-суриштирмай шаҳарга озиқ-овқат маҳсулотларини олиб келиш тўғрисида топшириқлар беравердерган. Шу тарзда асосий фаолияти аҳолига маиший хизмат кўрсатишдан иборат бўлган «Зиё» кичик корхонаси зиммасига ҳам қаердан бўлса-да 10 тонна дон, 5 тонна гўшт, 40 тонна ун, 5 тонна гуруч ва бошқа маҳсулотларни топиб, Ангрен шаҳрига келтириш вазифасини топширишди.

— Ахир хизмат фаолиятимиз бошқа бўлса, бирон марта ҳам савдо-сотиқ билан шуғулланмаган бўлсак, — кичик корхона раҳбарлари эътироз билдирмоқчи бўлганларида ҳокимликнинг масъул ходимлари уларнинг гапларини шартта бўлдилар-да:

— Топшириқ бажариш учун берилади, чекингизга нима тушган бўлса марҳамат қилиб топиб келинглар, — деб қатъий қилиб қўйишди.

БАНК ТАДБИРКОРЛАР УЧУНМИ Ё БУНИНГ АКСИМИ?

Ангрен ва Янгиобод йирик саноат шаҳарлари эканлигига қарамай бу икки шаҳарга фақат биргина саноат-қурилиш банки хизмат кўрсатаётганлиги ҳам хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, уларни рағбатлантириш ишига ҳалақит беряпти. Банк томонидан тўловлар вақтида ўтмаётганлиги, ҳеч қандай сабабсиз нақд пул топшириқларини юқори даражада қилиб белгилаш каби ҳоллар тез-тез такрорланаётгани ҳаммани ғоят қийин аҳволга солиб қўймоқда. Масаланинг ниҳоятда долзарб эканлиги ва уни зудлик билан ҳал этиш лозимлиги бир неча марта вилоят тадбиркор банки раҳбарларига айтилди. Ҳатто уларга шаҳар тадбиркорларининг «Агар зарур бўлса Ангренда банкнинг Низом фондларига ҳамда ажратилган бинони таъмирлаш учун молиявий ёрдам беришга ҳам тайёрмиз», деган таклифини киритганларида ҳам вазият ўзгармай қолаверди. Шаҳарда рақобатбардош тижорат банкини очиш энг долзарб масала бўлиб етилганига қарамай ҳеч ким бу ишга бош қўшмаётгани кишини таажжублантиради. Бировнинг иши учун бировнинг қўли саратонда совқотибди, деганлари шу бўлса керак-да.

Умуман, вилоятдаги қайси шаҳар ёки туманда иш юритаётган тадбиркорлар билан суҳбатлашгудек бўлсангиз гап мавзуси айланиб албатта банк хизматига келиб тақалади. Кўпчилик банк муассасалари хизматидан норози эканлигини яширмаяпти. Чунки хусусий корхоналар ҳокимликларда рўйхатга олингандан кейин ҳам банклар уларнинг ҳисоб рақамларини очишга шошмаётганлиги, турли тўсиқлар қўяётгани, сансалорлик авжига чиққани сабабли кишилар сарсон-саргардон бўлиб қолаётгани тўғрисида шикоят қилмоқдалар.

Айтишларича вилоят тадбиркор банки ходимларининг жойларга чиқиб тадбиркорлар билан учрашмаслиги, қуйи банк тизимларининг иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишида зарур ёрдам бермаётганлиги оддий ҳолга айланиб қолибди. Ана шундай бўлгач, банк ва унинг қуйи тизимлари фаолиятида ўзи-бўларчилик, сансалорлик, тадбиркорларни сарсон қилиб қўйиш каби иллатлар чуқур илдиз отаётганига ажабланмаса ҳам бўлади.

НАЗОРАТ ШТАБЛАРИ ҚАНДАЙ ИШЛАЯПТИ?

Маълумотларга қараганда хусусий тадбиркорлик тузилмаларини вужудга келтириш вилоят бўйича анча дуруст бораётган бўлса ҳам бу иш Янгийўл, Ангрен, Олмалиқ шаҳарлари, Бўка ва Пискент туманларида оқсаб қолаяпти. Савдо, умумий овқатланиш,маиший хизмат кўрсатиш, матлубот кооперациялари ва тайёрлов савдо объектларини ер участкаси билан бирга сотиш ҳам ночор аҳволда. Оҳангарон, Оққўрғон, Бекобод туманлари, Чирчиқ ва Ангрен шаҳарлари бу соҳада вилоятда энг охирги ўринларда бораётир. Тадбиркорлик мақсадлари учун ер бўлакларини сотиш топшириқлари ҳам бажарилмай келаяпти.

Хўш, бунга нималар сабаб бўлаяпти?

Жойларда ушбу саволга оддийгина қилиб, иқтисодий ислоҳотларнинг боришини ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлашни назорат қилиш бўйича тузилган штаблар ишламаяпти, — деб жавоб беришади. Ва иш билан яқиндан танишиш бунинг ҳақиқатан ҳам тўғри эканлигини тасдиқлайди. Мана мисол: Қуйичирчиқ тумани ҳокими қарори билан шу йил март ойида ҳокимнинг биринчи муовини М. Толипов раҳбарлигида штаб тузилган эди. Аммо штаб тузиш бошқа экан-у, белгиланган режалар асосида изчиллик билан иш олиб бориш бошқа экан. Ўтган вақт ичида тузилган штаб тадбиркорлар фаолиятида вужудга келаётган муаммоларни ҳал қилиш ўёқда турсин, ҳатто ўз йиғилишларини бирон марта бўлса ҳам ўтказгани йўқ. Кишилардан тушган 50 дан ортиқ аризалар эса белгиланган муддатдан анча кечикиб ҳал қилинган.

Туманда иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш дастури ҳам вақтида бажарилмаяпти. Давлат тасарруфидан чиқарилиши лозим бўлган иккита мулк хусусийлаштирилмаган, савдо, маиший хизмат кўрсатиш биноларидан 40 таси сотилмай қолаверган. Бугина эмас, ким ошди савдолари, қурилиши тугалланмаган биноларни ижарага бериш ишлари ҳам ўлда-жўлда. Туманда тадбиркорларни ҳом ашё билан таъминлаш вазифаси юкланган ихтисослашган улгуржи савдо дўконлари ва бозорлари ташкил этилмаётир. Гарчи туман ҳокимининг қарорида ишонч телефони ўрнатиш қайд этилган бўлса-да, бу масала ҳам қоғозда қолиб кетаяпти.

Назорат штаби фаолиятидаги нуқсонлар пировардида тадбиркорлар ишига жиддий зарар етказаётган шаҳар ва туманлар анчагина. Назорат ўрнатилмаганлиги сабабли Оҳангарон туманидаги «Техчорвасервис» ташкилоти 9 та деҳқон ва фермер хўжаликларининг техника ва бошқа моллар учун берган аризаларини натижасиз қолдирди. «Наргиз», Абдурахмонов номли фермер хўжаликларининг хашак ўрадиган, чизель жиҳозлари, тиркагич арава ва кичик тракторлар етказиб бериш ҳақидаги илтимоси ҳам қондирилгани йўқ.

Ўртачирчиқ туманида эса хусусий тадбиркорларни ҳом ашё ва бошқа маҳсулотлар билан таъминлайдиган улгуржи савдо дўконлари ва бозорларини очиш пайсалга солинаётгани на ҳокимлик ва на назорат штабини ташвишлантираяпти. Ҳолбуки, тадбиркорларга зарур ёрдам кўрсатилмаётгани, улар ўз ҳолига ташлаб қўйилгани кўпгина хусусий корхоналарда халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришнинг тўхтаб қолишига ёки умуман ишлаб чиқарилмаслигига сабаб бўляпти.

«Ташаббускорлик ва тадбиркорликни кўпроқ намоён қилиш зарур. Маъсулиятдан қўрқмаслик керак. Бошқарувнинг барча босқичларида зарур қарорларни мустақил равишда, тезкорлик билан қабул қилиш лозим. Кўпроқ иқтисодий эркинлик, кўпроқ мустақиллик, кўпроқ тадбиркорлик — мана шулар барча ишларимизнинг асоси бўлиши зарур»,— деб таъкидлади Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримов Республика Вазирлар Маҳкамасининг мажлисида сўзлаган нутқида. Хусусийлаштириш соҳасида мулкдорлар дуч келаётган муаммоларни ечиш, уларга кенг йўл очиб бериш шу куннинг энг муҳим вазифаларидан биридир. Тадбиркорлар учун шарт-шароит яратиш ва ёрдам бериш ўрнига уларнинг фаолиятига тўсқинлик қилаётганларнинг танобини тортиб қўйиш пайти келди.

В. НУРМУҲАМЕДОВ,
Вилоят ҳокимлигининг Халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш, хусусий тадбиркорлик ва тижорат ишларини мувофиқлаштириш ва қўллаб қувватлаш бўлимининг мудири.

Р. ТУРСУНОВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбири.

Ислоҳотлар — амалда

БОҚИМАНДАЛИКДАН ХАЛОС БЎЛДИК

БУНДАН 8 ой аввал давлатдан қарз олавериб, 4 миллион сўмдан кўпроқ «оғир юк»ни елкасида кўтариб юрган корхонага мени раҳбар этиб тайинлашди. Дарҳол бошқарув ходимлари билан биргаликда унинг «оқсаш» сабабларини ўргандик. Бир вақтлари заводда ишлаб кетган кекса отахонлар, кўп йиллардан буён меҳнат қилаётган тажрибали ишчилар билан эринмай суҳбатлашдик. Ниҳоят, меҳнат интизоми бўшашганлиги, ишчилар қалбига йўл топишга ҳеч ким эътибор бермаганлиги, корхонада катта ички имкониятлар мавжуд бўлгани ҳолда, улардан оқилона фойдаланишга ҳаракат қилинмаганлиги, бир сўз билан айтганда, ислоҳотлар амалда суст жорий этилаётганлиги маълум бўлди.

Биргалашиб ишга киришдик. Аввало, ҳар ким ўз вазифасига масъулият сезиб ишлаб, сифатли ва кўп маҳсулот тайёрласа, маошини ҳам, мукофотини ҳам ўз вақтида олишига ишчиларни ишонтира олдик. Бу борада бизни Юқоричирчиқ туман ҳокимлиги ва тармоқ вазирлиги қўллаб-қувватлади. Айни пайтда ички имкониятлар ишга солинди. Ҳадемай даромад кўпая бошлади. Туман хўжаликларидан қабул қилиб олинган каноп қайта ишланганидан сўнг маҳсулотнинг корхонада қоладиган 40 фоизи мол алмашув йўли билан ишчилар ва ишлаб чиқариш эҳтиёжи учун керакли маблағлар, буюмлар топишга йўналтирилди. Бу ижобий ўзгаришларга олиб келди. Етти ойнинг ичида минг тоннадан ортиқ каноп қайта ишланиб, 250 тоннадан зиёд тола олинди. Биз 1994 йилда ишлаб чиқарилган ҳар тонна толани 20 минг сўмдан сотишни режалаштирганмиз. Шу тариқа биргина толанинг ўзидан 5 миллион сўм атрофида даромад келади.

Шунингдек, корхонада кичик цехлар очдик. Ҳозирги пайтда шлакоблок цехи ишлаб турипти. Гилам тўқиш цехи биноси қурилиб, унга ускуналар ўрнатиб бўлинди. Каноп поясининг ички пўкак қисмидан 1х1 ҳажмдаги қаттиқ фанер ишлаб чиқаришни йўлга қўйдик. Шу билан биргаликда неча ўн йиллар давомида канопни қайта ишлашдан чиққан, корхона ҳовлисида уйилиб ётган чиқиндидан фойдаланиш бўйича Олмаликдаги «Аммофос» заводи билан шартнома тузиб, амалий ишга киришдик. Биз уларга 300 тонна тойланган чиқинди берадиган бўлдик. Ҳар тонна чиқинди 1509 сўмдан баҳоланди. Олмаликликлар пулнинг ўрнига корхонамизга шу чиқиндидан ўзлари тайёрлаган 2х1 ҳажмдаги пишиқ, яхши сайқалланган фанерадан (ДВП) — бир тонна ҳисобига 17 тадан қайтаришмоқда. Биз эса маҳсулотнинг ҳар бирини аҳолига 120 сўмдан сотяпмиз. Натижада корхона фанераниг ўзидан 612 минг сўмдан кўпроқ даромад олиши кутилмоқда. Бошқача айтганда чиқинди ҳам даромад манбаига айланди. Тоғ-тоғ уйилиб ётган чиқиндини тойлаш бўйича очган цехимизда эса 30 киши иш билан таъминланди.

Корхонамиз 60 гектарлик майдонни эгаллаган. Шундан 17 гектарини тадбиркор деҳқон-фермер Ўткир Алимовга расмийлаштириб бердик. Бу жойда у шоли, сабзавот, маккажўхори етиштиради. Техника билан ўзимиз таъминлаймиз.

Булар Президентимизнинг халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгаши сессиялари, фаоллар йиғилишларида қайд этган — тадбиркорликни ривожлантириш, меҳнаткашларга ғамхўрликни кучайтириш, янги иш жойлари очиш тўғрисидаги кўрсатмаларига жавобан рўёбга чиқарилган тадбирлардир. Қисқа муддат давомида амалга оширилган ишлар туфайли корхонамиз қарзидан қутулиб, туманимизнинг «Ободон» қишлоғида истиқомат қилувчи 222 нафар ишчиларимиз хонадонларини табиий газ билан таъминлашга ҳам эришдик. 6 километр узоқликдан газ қувурлари ётқизилиб келинди. Наврўз айёмида барча хонадонларда «зангори олов» ёнди. Бундан ташқари, корхона маблағи ҳисобидан анчагина йўллар асфальтланди, бекатлар саранжом-саришталанди, кўплаб мевали дарахтлар экилди. Биз кам таъминланган ва кўп болали оилаларни ижтимоий ҳимоялашга алоҳида эътибор бердик. Бу йилги Наврўз айёмида уларга моддий ёрдам кўрсатилди. Совға-саломлар топширилди. Шунингдек, илғор ишчилар рағбатлантирилдилар.

Шуни айтиш керакки, ўтган ойлар мобайнида ишчилар маоши бирон марта ҳам кечиктирилгани йўқ. Албатта, ҳар қандай жойда ҳам муваффақият бир кишининг ҳаракати билан қўлга киритилмайди. Лекин, унга эришишда раҳбар кадрнинг малакаси алоҳида аҳамиятга эга бўлади. Бу борада мен тола цехларини бошқараётган Жумадилла Абдужалилов, Надя Спинзиратларнинг ўз жамоаларига оқилона бошчилик қилаётганликларини таъкидламоқчиман. Улар толанинг мунтазам юқори сифат билан чиқишига эришмоқдалар. Булар раҳбарлик қилаётган цехлардаги Роза Азаматиллаева, Жўра Истаев кабиларнинг иш тажрибаси эса корхонамиз касаба уюшма қўмитаси томонидан бошқа ишчилар орасида оммалаштирилмоқда.

Ислоҳотлар самараси ҳар жабҳада аниқ сезилмоқда. Республика Олий Мажлисининг сессиясидаги Президентимизнинг маърузалари ҳамда шу маъруза асосида Тошкент вилояти фаоллари, халқ депутатлари туман кенгаши сессияси қарорларини ишчиларга чуқур тушунтириш юзасидан ҳам тадбирлар ишлаб чиқдик.

Шуни қайд этмоқчиманки, Олий Мажлисдаги маърузада таъкидланганидек, олдинда улкан вазифалар турипти. Юртбошимизнинг «Иқтисодий салоҳиятимизни ва даромадимизни янги босқичга кўтарадиган яна бир долзарб вазифа, асосий муаммо ва устун йўналиш — бу тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришни кенгайтириш, унинг сифати ҳамда рақобатга чидашини жаҳон бозори талаблари даражасига етказиш мақсадида иқтисодиётда таркиб — структуравий ўзгаришларни амалга оширишдир», деган сўзлари бозор иқтисодиётига ўтишнинг ҳозирги жараёнида биз учун жуда муҳим бўлган амалий дастурдир.

И. ТАЛАББОЕВ,
Жумабозор каноп ишлаш корхонаси директори.

«Тоҳир ва Зуҳра» фильми яратилганига 50 йил тўлди

ЎЗБЕК КИНОСИНИНГ ШОҲ АСАРИ

Кеча республика Киночилар Уйида «Тоҳир ва Зуҳра» фильмининг яратилганлигига 50 йил тўлиши муносабати билан тантанали кеча бўлиб ўтди. Наби Ғаниев режиссерлик қилган бу асар тарихи, яратилиши ҳақида киношунослар, маданият ходимлари ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Кечада ушбу фильмда иштирок этган бир гуруҳ санъаткорлар ҳам қатнашдилар.

КИНЕМАТОГРАФИЯМИЗ асосчиси Наби Ғаниев Ўзбекистон телевидениесининг илк дастурини кўришга муяссар бўлмади. 30-40 йилларда у Москвага — кино бошқармасига ўз фильмларини топширишга борганида пойтахтда тажриба сифатида эфирга узатилган телевизион ахборотларни, телеконцертларни, кинофильмларни кўрган бўлиши эҳтимолдан ҳоли эмас. Бу вақтда телевидениенинг эстетикаси шаклланмаган, образли «тили» эса камбағал эди. У оммавий ахборот воситаси сифатида хонадонларга хабар ташиши босмахона китобларнинг нусҳасини кўпайтиргани сингари ўзга санъатларнинг — аввало кинонинг тайёр асарларини бир йўла мингминг томошабинга етказишга ошиқарди. Бинобарин, теледраматургия, телережиссуранинг беқиёс имкониятлари, ранг-баранг қирралари ҳамда чегаралари ижодий амалиётда намоён бўлиши ҳамда илм-фанда тадқиқот қилиниши, назарий асослар яратилиши учун эндигина шароит вужудга келмоқда эди.

Кинода ижрочидан объективга қарамасдан ижод этиш, фақат ёнидаги шериги билан мулоқотда бўлиш талаб этилишини, телевидениеда эса шарҳловчидан, суҳандондан ёки кўрсатувни олиб борувчидан аввало телекамера объективига қараб сўзлаш талаб этилишини ёдда сақласак, Наби Ғаниев изланиши мавжуд қолипларни бузиш, янги шакллар ифода воситаларини кинога олиб кириш билан боғлиқ бўлганини кўрамиз. У қўллаган баъзи услублар кейинчалик ўзга санъатларда — телевидениеда, театрда ҳам қўл келганини қайд қиламиз. Айниқса, «Тоҳир ва Зуҳра» фильмининг бадиий тўқимаси ўзига хослигини эслатиб турувчи бир услуб тезда телевидениенинг мулкига айланди. Гап ўша машҳур кино асарида ҳикоя, композиция қурилиши ҳақида, бир шахс — (Нозим—арт. Р. Ҳамраев) ҳам асар қаҳрамони, ҳам ҳикоянавис, тасвирланган воқеаларнинг гувоҳи, фаол иштирокчиси сифатида намоён бўлиши ҳақида кетаяпти.

Жаҳонга манзур бўлган фильмни шу нуқтаи назардан таҳлил қилишдан олдин қуйидагиларни алоҳида таъкидлаб ўтмоқчимиз: Наби Ғаниев режиссёргина эмас, рассом, қалам соҳиби ҳам бўлган. Бир неча полотно, драма, «Рамазон» сценарийси, рисолалар ва қизиқарли мақолалар муаллифи бўлмиш бу серқирра ижодкор «Тоҳир ва Зуҳра»нинг адабий асоси ёзилишида бевосита иштирок этган. Фильмнинг титрида муаллиф сифатида кўрсатилган Собир Абдулла ҳам, Алексей Спешнев ҳам бу ҳолни эътироф этишган. Усмон Юсуповнинг топшириғи билан сценарий устида ишлайдиган гуруҳга Водил қишлоғида икки тўғон устидаги мироблар шийпонига жой ҳозирланган. У ерга С. Абдулла, Н. Ғаниев, Й. Аъзамов ва В. Швейцер етиб келганлар ва пухта ўйланган режа асосида сценарийни ёза бошлаганлар. Лекин тез орада Владимир Швейцерга шаршарадан уриб турган нам ҳаво ёқмай бетоб бўлади. Йўтал озор бера бошлайди. Шунда унинг ўрнига бошқа «шерик муаллиф» Алексей Спешнев келади.

Телеэкранда ўтмиш воқеалари таърифланаётганида ёки адабиётнинг эпик жанридаги асари видеофильмга, телеспектаклга айланаётганида персонажларнинг у ёки бу дақиқадаги руҳий ҳолатини очиб бериш учун томошабинга бевосита мурожаат этадиган ва зарурият бўлганида асарда (теледраматургия маҳсули назарда тутилмоқда) баён этилаётган воқеаларда қатнашиб турадиган муаллиф-шарҳловчи катта драматургик вазифани бажариши мумкин. Бундай услубни Италияда («Леонардо да Винчи» кўпсериялик телевизион фильми) ва бошқа бир неча хориж фильмларида учратиш мумкин.

Буни қарангки, шундай усулни Наби Ғаниев ва унинг ҳамкасб дўстлари ўз асарларида жуда ўринли қўллаганлар. Сценарийнинг сўнгги, қиёмига етказилган шакли қуйидаги сўзлар билан боғланади. «Коронғилик аста ёришади, тарихчи ва шоир Нозимнинг қиёфаси пайдо бўлади. Унинг кўкрагида сафарда олиб юриладиган довот. Саллага ғоз пати қадалган. Жиддий чеҳра айтиб бериладиган воқеа муҳимлигини, нозиклигини таъкидлаб туради. Нозимнинг кўзлари диққат билан томоша залига қарайди».

Ташқаридан қараганда сўнгги жумла кинога, кинодраматургияга мутлақо зид кўринади. Айниқса, ўша 40-йилларда кинонинг образли тили, қиёфаси «соф экранбоп» бўлиши талаб этилаётган пайтда, қаҳрамон дастлабки қадрлардаёқ залга қараб мурожаат этишини кўпчилик қабул этиши қийин эди. Лекин Нозим ҳам ҳикоянавис, ҳам фожиалар шоҳи-

Суратларда: ушбу фильмдан кадрлар.

ди, ҳам Тоҳирнинг маслакдош дўсти сифатида шунчалик нозик чизиқлар билан таърифланган ва театр устаси Раззоқ Ҳамраев томонидан гавдалантирилганки, бу шахсни ҳам, фильмни ҳам юртимизда, хорижий мамлакатларда олқиш ила кутиб олдилар.

Кинофильмнинг дастлабки кадрлари шу тарзда — телевизион усулда таърифланишини XV аср афсонасининг бадиий тўқимаси талаб этдими? Собир Абдулла ёзган драма экранга кўчаётганида унга шундай ўзгартишлар киритилишига эҳтиёж бўлганмиди? Аслида Нозим сиймоси афсонада ҳам, мусиқали драмада ҳам бўлмаган-ку! Халқ оғзаки ижодиёти билимдони бўлмиш Наби аканинг таклифи билан бу нозик табиатли қалам соҳиби, солнома яратишдек савобли иш билан машғул бўлган ниҳоятда адолатли шахс таърифи сценарийга ва фильмга киритилганмикин?! Ахир достонларни бахшилар айтганку! Уларга муаллиф ва ижрочиларга — қўшимча драматургик вазифа бериб, кино асарида ҳам гавдалантириш имкони бўлган-ку! Бундай ҳолда воқеаларни бир-бирига боғлаш ҳам осонлашади. Достонда даврий масофа қамраб олинганини эсланг. Лекин энг муҳими, «Тоҳир ва Зуҳра» афсонасининг шоирона қурилишига, кўтаринки руҳига шеър шайдоси солнома бунёдкори, кимсан Тоҳирнинг устози сиймоси жуда ярашган.

Энди ижодкорлар Нозим айтиши керак бўлган матнни дастлаб қандай ёзганликларига ва у экранда қай тарзда берилганига аҳамият беринг. Матннинг сценарийдаги ва монтаж варақларидаги мазмун ва шаклни ўргансангиз, у тобора экранга яқинлаша борганини кўрасиз. Нозим сўзларининг сўнгги таҳриридан чиққан, экранда айтилган нусхаси телевидениега ҳам жуда мос. Драматургия қонуниятларини ўзлаштирган, экран талабларини ҳисобга олган муаллифлар ва режиссёр кадрларни аста йириклаштира борадилар: йирик планда шоирнинг ҳикоянависнинг қиёфаси, сўнгра жуда йирик планда унинг доно, қайғули кўзлари шу кадрлардан кейин қуйидаги сўзлар янграши мўлжалланган эди: «Авлодлар, мен — тарихчи ва шоир, унутилган хонлик вакили Нозим, сизларга мурожаат этаман. Аждодларингиз Тоҳир ва Зуҳра чеккан азоб-уқубатлар ҳақидаги афсонани тингланг...».

Одатда, телевидение суҳандони, шарҳловчиси муаллифи томошабинга ўзини ўзи танитмайди. Ўзи ҳақида эмас, ўзгалар ҳақида, унинг иштирокида содир бўлган (ёки бўлаётган) воқеалар ҳақида сўзлайди (ёки аслида шундай бўлиши керак, лекин амалиётда бунга баъзан аҳамият берилмайди), Наби Ғаниев шу ҳолни сезганиданми, кичик экраннинг қонун-қоидаларига катта экран ҳам жавоб беришини зарур, деб билганми, ҳар қалай матнга ўзгартиш киритган. Янада ихчамланган матнда фақат томошабинга мурожаат қилинган, ҳолос: «Бахт — саодатли авлод, бахтиёр замон кишилари! Садоқат ва адоват ҳақидаги қадимий афсонани эшитинг. Халқимиз ижод этган ва ардоқлаб келаётган муҳаббат, вафодорликни мадҳ этувчи достонни, «Тоҳир ва Зуҳра» достонини тингланг».

Бу сўзлардан кейин камера панорама йўли билан катта китобга ўтади. Унда араб алифбосида афсонанинг (айни бир вақтда фильмнинг) номи ёзилган — «Тоҳир ва Зуҳра». Режиссёр Нозимнинг сўзларига мос келадиган тасвир ҳамда овоз воситаларини ҳам топган: кадр ортида карнай-сурнай тароналари эшитилиб туради, кадрда эса сипоҳлар баҳайбат дарвозани очиб томошабинни гавжум шаҳарнинг бир майдонига бошлайди.

Нозим — Р. Ҳамраев фильм давомида яна икки марта тарихчи, шарҳловчи сифатида пайдо бўлади. Иккисида ҳам драматик воқеаларни ўз кўзи билан кўргани тасвир ва сўз билан таъкидланади. Сардор дор остига олиб келинганида Бобохон (арт. А. Исматов) қувончини яшира олмайди ва шоирга қараб «Тарих саҳифаларига рақам этинг: «Бобохоннинг энг бахтли куни бу». Шунда Нозимнинг йирик планини кўрамиз-у, тарихчи айтаётган ва ёзаётган сўзлар хон қувончига мутлақо мос келмаслигини англаймиз: «Халқнинг энг қайғули, ғам-ғуссали куни эди», — деб айтади ва ёзади у.

Фильмнинг сўнгги кадрларида эса Нозим яна томошабинга мурожаат этади. Тоҳир ва Зуҳранинг жасади солинган тобутни кўтаришга кўмаклашаётган шоир Нозимнинг ўрнини Қодир (арт. Э. Каримов) олади. Шунда тарихчининг чуқур психологик портрети берилади ва унинг сўнгги сўзлари эшитилади: «Улар бу дунёга бир кунда келишди-ю, бир кунда кетишди». Шу сўзлардан кейин у бизга узоқ термулиб қолади.

Биргина жумла. У фильмга якун ясайди. Севишганларнинг фожиасини таъкидлайди.

Бу кадрларга қадар Нозим барча воқеаларда иштирок этади. Икки чақалоққа исм қўяди: «Тоҳир ва Зуҳра» деб. Тоҳир Бобохон томонидан ўлдирилишини, оқар сувга ташланишини кўради. У Тоҳирга хон даргоҳини ташлаб кетишни маслаҳат беради... Режиссёр кадрлар композициясини тузишда ҳамиша Нозим — Р. Ҳамраевга ўрин топади. Унинг ҳатти-ҳаракатини, кайфиятини кузатиб боради.

Худди шу нуқтаи назардан кўпгина адабиёт ва кино асарларини таҳлил қилсак, уларда ҳозирги телевизион амалиёт учун хизмат қилиши мумкин бўлган манбаларни учратамиз. Айниқса, «Бобурнома», «Темурнома» бу ўринда телевидение амалиёти ҳамда назарияси учун кўп хизмат қилиши мумкин.

Бу ҳолни ҳозир эслатиб ўтишни зарур деб билдик. Зеро Ўзбекистон телевидениеси ўз ишини тубдан яхшилаши учун янги бадиий шакллар, воситалар излаши, бадиийликка, ғоявий теранликка интилиши талаб этилади. Бу жараён шунингдек ўтмиш тажрибасини ўзлаштиришни ҳам тақозо этади. Бу йўлда ижодий-назарий иш олиб бориши учун «Бобур» ва «Лайли ва Мажнун» видеофильмларидан сабоқ олиш, концерт дастурларини эфирга узатишнинг янги йўллари, театр спектакллари тўғридан-тўғри ҳеч ўзгаришсиз телеэкранда кўрсатилиши керакми-йўқми — шу кабилар ҳақида фикр юритиш зарур деб ўйлаймиз. «Тоҳир ва Зуҳра», Наби Ғаниев ўгитлари шунга даъват этади.

Ҳамидулла АКБАРОВ,
киношунос.

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЎРТ ЮЛДУЗЛИ МЕҲМОНХОНА БЎЛАДИ

Дунёнинг турли мамлакатларидан юртимизга ташриф буюраётган меҳмонларга қарийб 20 йилдан буён хизмат кўрсатаётган «Ўзбекистон» меҳмонхонаси кўп ўтмай янги мақомга эга бўлади. «Ўзбектуризм» миллий компанияси ва Малайзиянинг «Кирсталл мист СДН Б. Х. Д.» фирмаси меҳмонхонани таъмирлаш учун кўшма корхона барпо этдилар.

Малайзия томони корхонанинг низом жамғармасига ажратган 31,5 миллион доллар маблағни меҳмонхона мажмуини таъмирлаш, уни зарур ускуналар билан жиҳозлашга сарфлайди. Низом жамғармасида Ўзбекистон ҳиссаси 21 миллион доллар бўлиб, у меҳмонхона мажмуи бинолари, инфраструктураси шаклида киритилади.

Яқин орада танлов асосида меҳмонхонани таъмирлашнинг энг оқилона лойиҳаси аниқланади. Аҳамиятли жойи шундаки, таъмир босқичма-босқич ўтказилиши боис пойтахтимиздаги муҳташам меҳмонхона сайёҳларни қабул қилишда давом этади. Лойиҳа амалга ошгач, «Ўзбекистон» меҳмонларга замонавий талаблар даражасида хизмат кўрсатадиган тўрт юлдузли меҳмонхона бўлади.

(ЎзА).

ОТАЛАР ЖАСОРАТИ УНУТИЛМАЙДИ

ПОЙТАХТИМИЗНИНГ Ҳамза туманига қарашли Фурқат номли 215-мактабда Ғалабанинг 50 йиллигига бағишланган кеча ўтказилди.

Мактаб ўқувчилари ҳузурида уруш ва меҳнат фахрийлари С. Ўринбоев, С.Н. Муталов, А. Ёрматов, А. Мирзаев, А. Мун, К. Калугин, А.И. Бугаева, фронт орқасида хизмат қилган Т. Д. Попова, М. Зокирова, «Қўйлиқ» маҳалласининг фаолларидан Ё. Зокиров, А. Умаров ва бошқалар меҳмон бўлдилар.

Юқори синф ўқувчилари уруш ва тинчлик мавзуида, ватанпарварлик, мардлик ва жасоратни улуғловчи шеърлар ўқидилар, қўшиқлар куйладилар, театрлашган саҳналар кўрсатдилар. Ёшлар томонидан байрамга атаб халқ амалий санъати асарлари ва расмлар кўргазмаси, махсус деворий газеталар, фотосуратлар тайёрланди.

Фахрийлардан А. Умаров ва А. П. Алёхин мактаб ўқувчиларига уруш таассуротларидан сўзлаб бериб, мамлакатимизда ҳукм сураётган тинчлик ва осойишталик қадрига етишга даъват этдилар. Хушовоз хонанда Аҳрор Усмонов бошчилигидаги санъаткорлар байрам кечасига ўзига хос файз киритдилар.

Мактаб ўқувчиларининг уруш ва меҳнат фахрийлари билан учрашуви бир пиёла чой устида давом этди. Ғалабага ўз ҳиссаларини қўшган отахон ва онахонларимиз шаънига илиқ сўзлар айтилиб, уларга эсдалик совғалари топширилди.

С. ҒАНИЕВА.

СПОРТ

Футбол

БОШЛАНИШИ ЯХШИ

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ ОЛИМПИЯ ТЕРМА ЖАМОАСИ САРАЛАШ УЧРАШУВЛАРИНИ ҒАЛАБА БИЛАН БОШЛАДИ

КЕЛАСИ йил Атлантада ўтадиган XXVI олимпия ўйинлари финал баҳсларида қатнашиш ҳуқуқини берадиган йўлланма учун Осиё минтақаси зоналарида ўйинлар бошланди. Ўзбекистон миллий олимпия футболчилари шанба куни Бишкек шаҳрида ўзларининг биринчи ўйинларини Қирғизистон терма командаси билан ўтказдилар. Маълумки, футболчиларимиз беллашаётган гуруҳда 4 жамоа бўлиб, навбатдаги босқичга чиқиш ҳуқуқини берадиган ягона йўлланма учун мутахассиссу мухлислар кураш асосан Ўзбекистон ва Қозоғистон футболчилари ўртасида бўлади деб тахмин қилмоқдалар. Лекин футбол ўйини кутилмаган тасодифларга тўла эканлигини ҳам инкор этмаяптилар.

Қирғизистон — Ўзбекистон олимпиячилари учрашуви ҳар иккала жамоа аъзоларининг заиф томонларини қидириб топишга уринишлари билан бошланди. Лекин кўп ўтмаёқ меҳмонлар маҳорати устун эканлиги сезила борди. Улар майдонда эркин ҳаракат қилар, тўпни узоқ вақт эгаллаб, қулай имконият қидирардилар. Ниҳоят 24-минутда Дилмурод Назаров ҳисобни очди. Ҳужумга яна зўр берган меҳмонлар кетма-кет рақиблар жарима майдонига ёриб кириб, дарвозани нишонга ола бошладилар. Ғалдаги ҳужумларнинг бирида меҳмонлар ўз жарима майдонларида ҳужумчимиз Неъматулла Қуттибоевни чалиб йиқитдилар. Учрашувни шарҳлаб бораётган Азим Алимов ҳакамнинг бу ҳаракатидан норози бўлиб жамоамиз бош мураббийси Мирзоҳид Ғуломовнинг фикрини сўраганда у ҳис-ҳаяжонга берилмай, босиқлик билан вазиятга баҳо берар экан ҳакамга эътироз билдирмади. Бироқ орадан 10 дақиқа ўтмаёқ мезбонлар яна худди шундай қоида бузишгани учун ҳакам 11 метрлик жарима белгилади. Сергей Ни ҳисобни 2:0 га етказди. Бу тўпдан кейин футболчиларимизнинг устунлиги яққол намоён бўлди. Улар иккинчи бўлимда яна (3 та) Дилмурод Назаров ва Неъматулла Қуттибоев (2 та) тўп киритишди. Майдон эгалари эса ҳужумчиларимизнинг 5 тўпига 11 метрлик жаримадан биттагина тўп билан жавоб қайтара олдилар холос. Шундай қилиб Ўзбекистон миллий олимпия терма командаси ўзининг дастлабки саралаш учрашувини йирик ҳисобда ғалаба билан тугатди.

Ўзбекистон миллий олимпия футболчилари навбатдаги учрашувларни ўз майдонларида 10 июнда Тожикистон, 24 июнда эса Қозоғистон терма жамоалари билан ўтказадилар.

ПЕШҚАДАМ ЎЗГАРДИ

ЎЗБЕКИСТОН биринчилиги биринчи гуруҳ, иккинчи минтақасида пешқадам ўзгарди. Мазкур тургача жадвалда карвонбошилик қилаётган «Ғазалкент» футболчилари Косонсойда «Кушон» меҳмони бўлиб, йирик 0:5 ҳисобида мағлубиятга учрадилар. Ўз майдонида Наманганнинг «Наврўз» футболчиларини 4:1 ҳисобида енгган вилоятимизнинг иккинчи вакили Қибрайнинг «Маданият» футболчилари 17 очко билан биринчи ўринга чиқиб олишди. Ҳаққулободнинг «Норин» клубини 7:1 ҳисобида мағлубиятга учратган «Чилонзор» жамоаси эса 14 очко билан учинчи ўринда бормоқда. Саккизинчи турнинг қолган учрашувлари қуйидаги натижалар билан тугади: «Гулистон» — «Бахт» — 0:1; «Олтинкўл» — «Мебелчи» — 4:2; «Боғдодчи» — «Кимёгар» — 1:0.

***

Биринчи гуруҳнинг иккинчи минтақасида иштирок этаётган Бекободнинг «Металлург» футболчилари эса 8 турда ўз майдонларида Урганчнинг «Динамо» командасини қабул қилиб, 1:1 ҳисобида дуранг ўйнадилар.

Таэквандо

ТОШКЕНТЛИКЛАР ВА БУХОРОЛИКЛАР ҒОЛИБ

Марказий Ҳарбий спорт клубида таэквандо бўйича Ўзбекистон чемпионати ниҳоясига етди. Унда республиканинг барча вилоятларидан 150 нафардан ортиқ спортчи қатнашди. Шунинг учун ғолиблик учун кураш жуда кескин тус олди.

Дастурнинг биринчи турида қизлар орасида Тошкент вилоятидан С. Кан, бухоролик И. Цой, тошкентлик И. Гольцман чемпион бўлишди, тошкентлик Й. Шомансуров, Э. Нурахонов, Е. Ли эса ўсмирлар орасида пешқадамлик қилишди.

Таэквандонинг спарринг турида чемпион номини олиш учун кураш асосан Тошкент ва Бухоро спортчилари орасида қизғин бўлди. Мусобақанинг бу турида қизлар орасида Бухоролик Л. Шаропова, тошкентлик И. Гольцман, Л. Гаврилова, А. Ахмедова, А. Ким чемпион бўлди. Ўсмирлар орасида ҳурмат шоҳсупасининг юқори босқичига тошкентлик Е. Ли, И. Шомансуров, Т. Расулов, Б. Эрметов ва бухоролик З. Наврўзов кўтарилди.

— Республика ҳукуматининг, Президентимиз Ислом Каримовнинг халқ соғлиги тўғрисида, ёшларни спортга жалб этиш борасида кўрсатаётган ғамхўрлиги катта шаҳарлардагина эмас, олис туманларда ҳам яхши натижа бермоқда, — дейди Ўзбекистон таэквандо Федерациясининг вице-президенти Фурқат Халилов. — Ҳозирги кунда ёшлар жисмоний тарбия билан фаол шуғулланмоқда, турли спорт шўъбаларига қатнамоқда.

Таэквандо билан шуғулланувчи йигит-қизлар ҳам кўпайди. Сўнгги йилларда Самарқанд, Фарғона ва Сирдарё вилоятлари спортчиларининг маҳорати анча ошди. Маҳаллий ҳокимликлар ҳам бу ишда мадад бермоқда. Шу туфайли чемпионатда барча вилоятларнинг вакиллари иштирок этди. Бу ҳол бизни қувонтирмоқда, чунки халқаро майдонда эришилган ютуқлар шу тариқа мустаҳкамланади. 9 июнь куни Варшавада бошланадиган ўсмирлар чемпионати биз учун катта имтиҳон бўлади.

(ЎзА).

ПОКИСТОН ЭКСПО—95 ТОШКЕНТ

ЕРВ

ПОКИСТОН ТОВАРЛАРИ СОТУВ КЎРГАЗМАСИГА МАРҲАМАТ ҚИЛГАЙСИЗ!

КЎРГАЗМА «ТУРКИСТОН» САРОЙИДА 1995 ЙИЛ 22-27 МАЙ КУНЛАРИ НАМОЙИШ ЭТИЛАДИ.

КЎРГАЗМА СОАТ 10.00 ДАН 18.00 ГАЧА ИШЛАЙДИ.

Ранг-баранг ассортиментдаги товарлар: Саноат товарлари, пахта, калавалар, тўқимачилик ва полиэстрол газламалари, тикилган кийимлар, пайпоқ буюмлари, сочиқлар, спорт моллари, хирургия асбоблари, косметика, тамаки ва сигареталар, гуруч, озиқ-овқат неъматлари, ёғочдан ишланган мебеллар, халқ ҳунармандчилиги буюмлари.

Кўргазма эшиклари ҳамма учун кенг очиб қўйилган.

Узбекистон тадбиркорлари ва тижоратчиларини Покистон бизнесменлари ҳамда ишбилармонлари билан қулай ва фойдали шартномалар тузишга таклиф этамиз!

Покистон ҳукумати Экспортни ривожлантириш бюроси,

Покистоннинг Тошкентдаги элчихонаси ва Узбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги ҳамкорликда кўргазмани уюштирдилар.

Кўргазма манзилгоҳи, Узбекистон, Тошкент шаҳри, Мустақиллик майдони, «Туркистон» саройи

Мурожаат учун телефонлар: 77-14-42, 77-10-03, 77-82-72.

Жамғарма банки

ҲУРМАТЛИ, ЮРТДОШЛАР!

МУСТАҚИЛ РЕСПУБЛИКАМИЗНИНГ 4 ЙИЛЛИГИГА «МУСТАҚИЛЛИК» ПУЛ-БУЮМ ЛОТЕРЕЯСИ ЧИҚАРИЛДИ

ЛОТЕРЕЯ МУАССИСЛАРИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ, МАРКАЗИЙ БАНК, «ЎЗЖАМҒАРМАБАНК», АЛОҚА ВАЗИРЛИГИ, «ЎЗБЕКБИРЛАШУВ» ВА «ЎЗБЕКСАВДО» УЮШМАСИДИР.

Ҳар бир лотерея билетининг нархи 10 сўм. Ютуқлар эса жуда хилма-хилдир. Жанубий Кореяда ишлаб чиқарилган «TICO», «LABO» автомобиллари, рангли телевизорлар, юмшоқ мебель, дала ҳовли, девор мебель тўпламлари, турли ёритгичлар ва ҳоказолар.

Лотерея билетларини истаган Жамғарма банки муассасасидан, алоқа бўлимлари, савдо тармоқлари, тайёрлов идоралари ва жамоатчи тарқатувчилардан сотиб олишингиз мумкин.

«МУСТАҚИЛЛИК» ЛОТЕРЕЯЛАРИНИ, АЛБАТТА СОТИБ ОЛИНГ!

Ишончимиз комилки, омадингиз келиб, катта ютуқ эгаси бўласиз ва хонадонингизга бир олам қувонч киради.

АҲОЛИ ДИҚҚАТИГА!

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЖАМҒАРМА БАНКИ ТОМОНИДАН «КАПИТАЛ» ВА «КАПИТАЛ-ЛЮКС» ОМОНАТЛАРИ ЖОРИЙ ЭТИЛДИ.

«КАПИТАЛ» ва «КАПИТАЛ-ЛЮКС» омонатлари бўйича даромад ҳар ойда 9 фоиздан тўланади ва бу фоизлардан Сиз тўлиқ ёки қисман олиб фойдаланишингиз мумкин. Бундан ташқари, бу омонатларни пул ўтказиш йўли билан ҳам очишингиз мумкин.

«КАПИТАЛ» омонати 1 йил муддатга очилади ва энг кам миқдори 1000 сўм. Бу омонат бўйича Сиз жорий ой учун фоизларни олдиндан олиб фойдаланишингиз ва истаган миқдорингиздаги қўшимча пулни қўйишингиз мумкин.

Маълумот учун Тошкент вилоятидаги Жамғарма банкининг исталган бўлимидан ёки қуйидаги телефонлар орқали билиб олишингиз мумкин: 78-03-37, 78-22-84.

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ МАҲСУЛОТЛАРИНИ ТАЙЁРЛОВ БЎЛИМЛАРИГА ТОПШИРУВЧИЛАР ДИҚҚАТИГА!

Сиз топширган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари учун ҳақни тайёрлов идораларига омонатга ўтказиб бериш учун кўрсатма билан Жамғарма банки орқали олишингиз мумкин. Бу Сизга вақтни тежаш ва устама фоизлар ҳисобига қўшимча даромад олиш имконини беради.

НАКД ПУЛСИЗ ҲИСОБ-КИТОБ — ЗАМОНАВИЙ КИШИНИНГ ИШ УСЛУБИДИР.

ЎЗ ҚИММАТЛИ ВАҚТИНИ ҚАДРЛОВЧИЛАР ДИҚҚАТИГА!

Ўзбекистон Республикаси Жамғарма банки муассасалари омонатчиларнинг бир маротабали ва узоқ муддатга белгиланган топшириқлари бўйича уй-жой, газ, электр тармоқларидан фойдаланганлиги, телефон, болалар ҳар турдаги дам олиш ва даволаш муассасалари хизматидан фойдаланганлиги, маданий-маиший, қурилиш ва бошқа хизматлар учун омонатдан пул ўтказиш йўли билан ҳисоб-китобларни доимий ва узлуксиз амалга ошириб туриш имкониятлари чексиз ва кафолатли.

Бу йўсиндаги ҳисоб-китобларни амалга ошириш маъқул бўлган кишилар истаган Жамғарма банки ташкилотига мурожаат этишлари мумкин.

АҲОЛИ ДИҚҚАТИГА!

Тошкент вилояти Жамғарма банки муассасалари аҳолидан қуйидаги омонат бўйича пул маблағларини қабул қилади.

ТАЛАБ ҚИЛИБ ОЛИНГУНГА ҚАДАР • ЙИЛИГА 30 ФОИЗ,

МУДДАТЛИ ОМОНАТЛАР:

1 йилдан 3 йилгача — йилига 40 ФОИЗ,
3 йилдан 5 йилгача — йилига 60 ФОИЗ,
5 йилдан ортиқ — йилига 90 ФОИЗ,

Болалар мақсадли омонатлари — йилига 100 ФОИЗ,

Депозит омонатлар — йилига 80 ФОИЗ,

ҚИСҚА МУДДАТЛИ ДЕПОЗИТ ОМОНАТЛАР:

3 ойга — 30 ФОИЗ,
6 ойга — 60 ФОИЗ,
12 ойга — 120 ФОИЗ.

Сиз Жамғарма банкида ўз меҳнат даромадларингизни маълум муддат сақлаш билан устама фоизлар ҳисобига оила бюджетингизни мустаҳкамлайсиз, ҳамда омонатдан ҳар турдаги тўловларни амалга ошириш имкониятларига эга бўласиз.

ҲИСОБ ЧЕКЛАРИ

Ҳисоб чеклари шахснинг исми шарифи қайд этилган пуллик ҳужжатдир. Чеклар ҳар бир шахснинг Жамғарма банки муассасаларида сақланаётган омонатидан ёки нақд пулга 25 сўмдан 100.000 (бир юз минг сўм)гача берилиши мумкин.

Чеклар ёрдамида давлат ва кооператив савдо тармоқларига қарашли дўконлардан харид қилинадиган буюмлар учун тўловларни амалга ошириш имконияти чексиздир.

Ҳисоб чеклари 4 ой мобайнида амалда бўлиб, ишлатилмай қолган чек бланкини исталган Жамғарма банки муассасасида тўлов муддатини узайтириш ёки омонатга қайта ўтказиш мумкин.

Харид қилинган буюмлар учун тўловларни нақд пулсиз амалга оширишнинг бу усули Сиз учун қулай ва харид давомида кўп миқдорда нақд пул олиб юриш ташвишидан халос этади.

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИНИНГ ҲУРМАТЛИ АҲОЛИСИ ВА МЕҲМОНЛАРИ!

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ЖАМҒАРМА БАНКИ ХИЗМАТЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИНГ!

Бу Сизга ўз қимматли вақтингизни тежаш ва меҳнатларингиз эвазига жамлаган даромадларингиздан унумли фойдаланиш имкониятини беради.

ЖАМҒАРМА БАНКИ СИЗНИНГ ХИЗМАТИНГИЗДА

Ташкилотлар, корхоналар ва муассасалар рўйхатлари

ДИҚҚАТИГА!

БУ СИЗНИНГ МАҚСАДЛАРИНГИЗ ЙЎЛИДА

Қимматли вақтингизни тежаш, ишчи ва хизматчиларга ойлик маошларини ўз вақтида берилиши мақсадларида иш ҳақини Жамғарма банки бўлимига ҳоҳишига кўра иш жойига яқин ёки турар жой бўйича нақд пулсиз ўтказишингиз мумкин. Бунинг учун томонлар ўртасида шартнома имзоланади ва Жамғарма банки хизматлари учун келишилган ҳақ тўланади, холос.

Қолган барча ташкилий масалаларни Жамғарма банки ўз зиммасига олади.

ИШЧИ ВА ХИЗМАТЧИЛАР!

Ойлик маошларингизни Жамғарма банки муассасалари орқали Сиз учун қулай бўлган вақтда истагингиз бўйича тўлиқ миқдорда ёки бўлақлаб олишингиз мумкин. Бундан ташқари пулни истаган шахсга ишончнома расмийлаштирилган ҳолда олишингиз ҳам мумкин.

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ЖАМҒАРМА БАНКИ.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ • TOŞKENT HAQIQATI

Муассис: ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Муҳаррир: Фатҳиддин МУҲИДДИНОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Телефонлар: *хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 33-40-48* *Эълонлар: 33-99-15, 32-57-27.*

• Мақолалар, эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун муаллифлар, реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

• Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.

Рўйхатдан ўтиш тартиби: №8. Буюртма Г-0195. 17198 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2.

"Шарқ" нашриёт матбаа-концерни босмахонаси. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. Нашр кўрсаткичи: 64672. Босишга топшириш вақти — 20.30. Босишга топширилди — 18.30. 1 2 3 4 5 6